

**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ


РОМАН – ГЕРМАН ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

ФРАНЦУЗ ТИЛИ ФОНЕТИКАСИ ВА ГРАММАТИКАСИ КАФЕДРАСИ

**МАВЗУ: ФРАНЦУЗ ФРАЗЕОЛОГИЯСИДА
НОМИНАТИВ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА
ВАРИАНТЛАНИШ ҲОДИСАСИ**

Роман-герман филологияси факултети
4-курс ўзбек 011– гуруҳ талабаси
ҚАРШИЕВА МЕҲРИНИСнинг
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар : ф.ф.н. Сувонова Н.



Самарканд-2014

М У Н Д А Р И Ж А :

К И Р И Ш.....

I БОБ. ФРАЗЕОЛОГИЯ - ТИЛНИНГ БОЙИШ МАНБАИ СИФАТИДА

1. Французча фразеологик бирликларнинг лексик - грамматик табиати.....
2. Фразеологик вариантланишнинг лингвистик моҳияти
3. Фразеологик бирликларда вариантланиш ҳодисасининг морфологик ва семантик қирралари

I бобга хулоса

II БОБ. НОМИНАТИВ ФБЛАРНИНГ СТРУКТУР-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРГА ХОС ВАРИАНТЛАНИШ ҲОДИСАСИ.....

1. Номинатив ФБларнинг структур таҳлили
2. Номинатив ФБларнинг семантик хусусиятлари
3. Номинатив ФБлардаги вариантланиш турлари
4. Номинатив ФБлардаги вариантланишнинг лексик хусусиятлари

II бобга хулоса

Х У Л О С А.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

**ИЛОВА. Вариантланиш ҳодисали французча фразеологик бирликлар
Рўйхати.....**

К И Р И Ш

Сўнгги йилларда фан ва таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилиши тадқиқотчилар олдига назарий ва амалий соҳаларда масъулиятли вазифаларни қўйди. Бундай вазифалардан бири чет тилларни ўрганиш ва ўргатишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг таъбири билан айтганда, “Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир”.¹

Дарҳақиқат, хорижий тилларни жумладан, француз тилини ҳар томонлама чуқур ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлмоғи лозим. Шундай экан, биз ҳам ушбу битирув малакавий ишимизда француз фразеологиясидаги номинативлик ҳодисасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Мавзунинг долзарблиги. Танланган мавзунинг долзарблиги француз фразеологиясидаги номинативлик ҳодисасига хос вариантланиш ҳодисасини структур-семантик жиҳатдан тавсифлашдан иборат эканлиги билан изоҳланади. Тилнинг фразеологик қатламига мансуб номинатив фразеологик бирликларнинг вариантланиш жиҳатларини француз тили мисолида кўриб чиқиш француз фразеологиясидаги номинативлик ҳодисасини чуқур ўрганишга, унга хос лингвистик моҳиятни тавсифлашга, қолаверса, уларни бадий матнларда ўқиб тушуниш жараёнида ҳам катта аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда француз фразеологиясига доир муаммолар авваламбор, А.Г. Назарян томонидан кенг тарзда тадқиқ қилинган. Айниқса, номинатив фразеологик бирликларнинг ўзига хос лексик-семантик, грамматик ва стилистик хусусиятлари батафсил ишлаб чиқилган. Бироқ, бизнинг тадқиот бу хусусдаги маълумотларни

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 8-бет.

умумлаштирган ҳолда уларни содда мисоллар ва тушунтиришлар орқали номинатив фразеологик бирликларга хос вариантланиш ҳодисасини амалий тарзда изоҳлаши билан ажралиб туради.

Битирув малакавий ишнинг мақсади. Ушбу битирув малакавий ишнинг олдига қўйилган асосий мақсад француз тилидаги номинатив фразеологик бирликларнинг структур-семантик вариантлари тавсифи ва уларнинг талқинидан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот олдига қўйилган масалаларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларларни бажаришга эътибор қаратилди:

- француз фразеологиясининг ҳозирги замон тилшунослигида тутган ўрнини ҳамда фразеологиянинг тилнинг бойиш манбаи эканлигини тавсифлаш;

- французча фразеологик бирликларга хос номинативлик ҳодисасининг асосий лингвистик моҳиятини намоён этиш;

- номинатив фразеологик бирликларнинг структур хусусиятларини ифодалаш;

- французча номинатив фразеологик бирликларнинг семантик хусусиятларини тавсифлаш;

- номинатив бирликларга хос вариантланиш ҳодисасининг турларини намоён этиш;

- номинатив фразеологик бирликларга хос вариантланиш ҳодисасининг лексик хусусиятлари.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тилшуносликнинг энг серқирра жабҳаларидан бири ҳисобланган француз фразеологияси тадқиқот объектини ташкил этса, ундаги айнан номинатив бирликлар ва уларга хос вариантланиш ҳодисаси эса тадқиқот предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг методологик ва назарий асослари. Тилшуносликнинг грамматика, лексик-семантика, стилистика борасидаги назарий йўналишлар ҳамда В.В.Виноградов, Л.В.Шерба, А.Г. Назарян, Ш.Рахматуллаев,

Ш.Сафаров, А.М.Бушуй, А.Маматов сингари тилшуносларнинг назарий карашлари тадқиқотнинг методологик ва назарий асосларини ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот олдига қўйган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ишда тасвирий структур ва дистрибутив таҳлил қилиш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Фразеологиянинг систем талқинидаги номинатив фразеологик бирликлар ясалишидаги семантик, структур ва деривацион қонуниятларини аниқлашга ёрдам берадиган умумтилшунослик тавсифига ҳисса қўшилди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти. Фразеологиянинг систем талқинидаги фразеологик бирликлар ясалишининг семантик, структур, функционал қонуниятларини аниқлашга имкон берадиган фаразлар умумлаштирилди. Хусусан, битирув малакавий ишида номинатив фразеологик бирликлар шакллариға вариантланиш ҳодисасининг систем кўрсаткичлари тавсифланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишдаги таҳлил натижалари асосида фразеология, лексикология, назарий, амалий ва қиёсий грамматика фанларини ўқитишда, қолаверса, чет тиларини ўқитиш ва ўрганиш жараёнларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши қўйилган вазифаларнинг кетма-кет изчиллигига асосланиб, у кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган илмий адабиётлар рўйхати ва французча фразеологик бирликлар иловасидан иборат.

I БОБ
ФРАЗЕОЛОГИЯ ТИЛНИНГ БОЙИШ МАНБАЛАРИДАН
БИРИ СИФАТИДА

1. Французча фразеологик бирликларнинг лексик - грамматик табиати

Ҳозирги вақтда фразеология муаммолари тилшуносларнинг олдида турган долзарб муаммолардан бири саналади. Шундай экан, биз ҳам ўз битирув малакавий ишимизга бундай муаммони танлаб хато қилмадик. Зеро, тил маданияти, энг аввало, илмий хулосалар ва ижтимоий амалиёт натижалари асосида ўрнатилган, лисоний фикрлашнинг аниқлигини таъминлайдиган тил нормалари, унинг луғат бойлиги, фразеологик захирасидан иборатдир¹. Шунга кўра, француз фразеологиясини ўрганиш ўз тадқиқочилари учун анча мунча қийинчиликлар туғдиради. Қолаверса, француз фразеологияси таркиби ҳам анча бойдир.

Фразеологияни ўрганиш ҳам француз тилини бойитишдаги муҳим манбалардан саналади. Фразеологияни ҳар томонлама чуқур ўрганиш француз фразеологиясининг очилмаган қирраларини намоён этишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, биз ҳам француз фразеологиясини ҳар томонлама тадқиқ қилишга, яъни грамматик, лексик ва семантик жиҳатдан ўрганишга ҳаракат қилдик. Чунки, фразеология тилшуносликнинг бошқа тармоқлари билан кенг ва ҳар томонлама алоқададир.

Фразеология филологик фанлар синтези ҳисобланади. Тўғри, бундай алоқа даражаси ва характери маълум фан тармоғига боғлиқ равишда хилма-хилликка эга бўлади. Хусусан, фразеология тилшунослик фанлари билан узвий боғлиқдир. Фразеологиянинг лексикология билан бўлган алоқаси авваламбор, сўзнинг фразеологик қурилиш материали сифатида хизмат қилиши билан характерланади. Фразеология лексикология замирида ўз-

¹ Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. –Тошкент:.. Фан, 2007. –Б. 55.

Ўзидан пайдо бўлмаган ёки бекорга улар биргаликда тадқиқ этилмайди. Чунки, аслини олганда, тилнинг фразеологик ва лексик таркиби кўплаб умумийликларга эга. Бу умумийликлар турли хил доирада, яъни грамматика, сўз яшаш, ономонология ва бошқаларда намоён бўлади.

Фразеологик бирликларнинг фаолияти ва таракқиёти ҳамда уларнинг лексик таркибининг ўзига хос хусусиятлари ўртасидаги муҳим алоқаси фразеология ва лексикологиянинг янада яқинлиги ва чамбарчас боғлиқлигини белгилайди. Бу шу нарса билан изоҳланадики, фразеологизмларнинг сўз компонентлари уларни лексик сатҳ бирлиги сифатида кўрсатадиган кўпчилик хусусиятларини саклаб қолади. Фразеологизмларнинг компонентлари қўлланилиш жараёнида ўзига хос характер касб этади, ўзининг предметлик хусусиятини йўқотади, гап бўлаклари билан қисмларга бўлинади ва бошқа гап бўлаклари билан бирика олмайди. Худди шунга ўхшаш фарқлар фразеология объектини лексикология объектидан фарқлашга катта ёрдам беради. Нафақат сўз ва фразеологик бирликлар, балки нофразеологик характердаги турғун бирикмалар ва ҳатто синтактик сўз бирикмалар ҳам гапнинг у ёки бу бўлаги сифатида қўлланилиши мумкин. Бунда шундай хулосага келиш мумкинки, нафақат фразеологизмлар балки бошқа мураккаб тил бирликлари ҳам сўзнинг муқобиллари бўлиши мумкин.

Сўз берилган сўз бирикмасини ўзидан-ўзи фразеологик бирикма қила олмайди ва бу улар қайси маъновий муносабатларда бир-бирининг ўрнини боса олишига боғлиқ. Бу муносабатларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва уларнинг ўзига хослигини чуқур очиб бериш фразеологиянинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, бу ўз навбатида фразеологиянинг семантика билан бўлган алоқасини белгилайди.

Фразеологик бирлик компонентлари ва шунингдек, ҳар қандай сўз бирикмаси компонентлари ўртасида аниқ грамматик муносабатлар мавжуд бўлиб, бу компонентлар турли хил морфологик ва синтактик фарқларга дуч келади.

Кўрсатилаган муносабатларни ва уларнинг ўзгаришларини тадқиқ қилиш нутқда фразеологизм фаолиятининг шароитини ва қонунийлигини пайдо қилишда катта аҳамият касб этади. Бунда фразеологиянинг грамматика билан бўлган алоқаси намоён бўлади.

Фразеология стилистика билан ҳам бевосита алоқада. Гап шундаки, денотатив алоқалар ва стилистик коннотациядан ташқари, кўпчилик фразеологик бирликлар нутқда бадиий образларни яратишда ёзувчилар томонидан кенг қўлланиладиган образли ва экспрессив эмоционал характеристика воситаси сифатида ишлатилади.

Фразеологияни ўрганиш унинг тарихий тараққиётини ёки фразеологик бирликларнинг семантик ва структур белгиларини таҳлил қилмасдан ўрганиш мумкин эмас. Бунга кўра, шу нарсани таъкидлаш жоизки, сўз ва фразеологик бирлик муносабатлари ҳақидаги муаммо уларнинг бир хил тил сатҳига ёки тилнинг ҳар хил сатҳига тегишлилик масаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу муаммо тилшуносликда ҳар хил ҳал қилинган. Бироқ, лексик бирлик ва фразеологик бирлик ўртасида ўхшаш умумий хусусиятларнинг мавжудлигини ҳамма эътироф этади.

Баъзи тилшунослар лексик ва фразеологик бирликлар ўртасидаги алоқаларни, шунингдек, лексик-фразеологик системанинг мавжудлигини тан олган ҳолда фразеологик бирликлар ҳеч қачон лексик бирликларнинг такрорланмаслигини кўрсатиб ўтади.

Н.М.Шанский лексик ва фразеологик бирликларнинг функционал ва мазмуний жиҳатдан ўхшашлиги уларнинг бўлинмас лингвистик турга мансублиги билан боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда, уларни тилда бир бутун ҳолатда ўрганиладиган ягона лексик-фразеологик системани ташкил этади, деб таърифлайди.¹

Фразеологик бирликлар сўзларнинг муқобили эканлигини кўрсатувчи назария жуда кенг тарқалган. Ушбу ғоя тарафдорларининг кўпчилиги сўз ва фразеологик бирликларнинг ҳар хил кўринишга эга эканлигидан қатъий

¹ Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – М.: ВШ, 1969. – 342 с.

назар, улардаги маъновий муносабатларнинг ажралмаслигига ва уларнинг функционал умумийликка эга эканлигига асосланади. Бироқ, ушбу масала бўйича бошқача йўналиш ҳам мавжуд. Бунда А.В.Кунин, Л.И.Ройзензон ва бошқа бир қатор олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, сўз ва фразеологик бирлик бир қанча умумий белгиларга эга, лекин билан биргаликда улар ўртасида анчагина структур, семантик фарқ мавжуд бўлиб, бу фарқ структур, семантик ва стилистик режада намоён бўлади.

Фразеологик бирлик ва сўз ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш уларни муқобиллик режаси асосида ўрганишга қараганда анча ҳаққонийдир.

Шуни қайд қилиш лозимки, фразеологиянинг шаклланиши ва ривожланишидаги экстралингвистик омилларга бўлган қизиқиш кун сайин ошиб бораётганлигига қарамасдан, уни тарихий манбаларга нисбатан диахроник асосда, тарихий–ижтимоий нуқтаи назардан ўрганишга кам эътибор қаратилмоқда. Бу айниқса француз фразеологиясига тегишлидир.

Ҳақиқатан ҳам, А.В.Кунин бу борада анча жиддий камчиликларнинг ўрнини тўлдирди ва унинг француз фразеологияси соҳасидаги тадқиқотлари бу соҳада янги саҳифа очди.¹ Бунда энг муҳими шундаки, олимлар нафақат IX асрдан то XX аср фразеологиясининг тарихий тараққиётидаги кенг бўшлиқни тўлдирди, балки биринчи бўлиб, турли хил босқичнинг ўзига хос хусусиятларини бирма – бир аниқ тасвирлаб бериш орқали фразеология тарихини даврларга бўлиш ғоясини илгари сурди.

Француз фразеологиясининг тараққиёти ижтимоий–тарихий ҳаётда бошқа мамлакатлар билан бўлган кенг қўламли алоқа ва эволюция асосида, унинг шаклланиши эса француз адабиётининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган жонли алоқалар асосида тадқиқ қилинган.

Бу нарса нафақат фразеологиянинг шаклланишидаги бадиий жараённинг таъсирига (бу энг муҳим бўлишига қарамасдан), балки француз адабиётидаги бадиий жанрлар таъсири остидаги фразеологик бирликларнинг

¹ Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – М.: ВШ, 1986. – 336 с.

аниқ семантик турлари ва гуруҳларининг пайдо бўлишига ҳам боғлиқдир. Француз фразеологиясининг эволюцияси француз адабий тили системасига батамом таянадиган ички лингвистик жараён сифатида намоён бўлади. ФБларнинг алоҳида турлари ва гуруҳлари уларнинг ички ва гуруҳлараро системали алоқаларида тадқиқ қилинади. Масалан, уларнинг баъзи бир турларига хос структур–ясовчи хусусиятлар француз адабий тили тарихидаги умуманалитик ғоялар билан ҳақли равишда боғлиқдир. Француз фразеологиясининг такомиллашиш йўли, шубҳасиз, А.Г.Назарян томонидан очиқ берилган. У соф ФБлар турғун бирикмалар ичидаги мақоллар сонини қисқартириш орқали (улардаги тор тушунчаларда) тилда ўзларига доимий йўл очиқ олганини кўрсатади.¹

Француз тилида ҳам бошқа тиллардаги каби маълум бир фразеологик бирликнинг таркибида албатта, ифода плани сифатида камида иккита лексема қатнашиши шарт. Бундай бирликлар гапдан яхлитлигича англаниши мумкин бўлган ва фразеологик маъно касб этадиган синтактик бирлик эмас, балки семантик бирлик сифатида талқин қилинади.

Шу сабабли фразеологик ибораларнинг бирикмага ва гапга тенглик хусусияти ҳақида гапирганда иборанинг ички граматик тузилиши инобатга олинади, яъни ибора таркибини граматик жиҳатдан таҳлил қилиш назарда тутилади.

Умуман олганда, ибора таркибида қатнашган сўзлар орасидаги граматик боғланиш ўз кучини йўқотмайди ёхуд сақланади. Ваҳоланки, ундаги сўзлар ўртасидаги муносабат фақат ички муносабат, яъни шу ибора доирасидаги муносабат ҳисобланади. Грамматик қурилиш муаммолари, морфология ва синтаксисда ўрганиладиган фаннинг бўлимлари, бир қатор тушунчалар ва категорияларни морфологик доирага ёки синтактик ҳодисалар ҳисобига киритиш каби масалалар тилшунослик мактабларини доимо қизиқтириб келган. Лекин, ҳанузгача сўз-аниқловчиларнинг морфологик ёки

¹ Назарян А.Г.

синтактик бирлик ҳақидаги муаммоси ўз ечимини топган эмас. Морфология ва синтаксисни бир-биридан қатъий равишда фарқлашдаги энг мураккаб муаммолардан бири ўзларида морфологик ва лексик бирикмаларни акс эттирган ва семантик бўлинишга эга бўлган турли хил кўринишдаги қўшма сўзларнинг ҳозирги замон француз тили тизимида мавжудлиги ва уларни эркин бирикмалардан ажратиш муаммоси бўлиб ҳисобланади.

Модомики, тил ривожланишининг умумий жараёнида морфология ва синтаксис ўртасида мустақкам алоқа мавжуд экан, сўзларнинг ўзаро бирикиши, синтаксис билан ўзвий боғлиқлиги ва қўшма сўзларнинг синтактик табиатга эгаллиги ҳақидаги фикрлар ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Бу ҳақда тилнинг морфологик тизими синтаксис ҳисобига бойийди, деган фикр кенг тарқалган. Бунда синтактик эркин бирикмалар морфологик ҳодисалар ҳисобланган ҳолда грамматик шакллarga айланиш қобилиятига эга бўладилар.

Синтактик эркин сўз бирикмалар француз тилидаги мустақил сўз туркумларининг бир қанча турларини тўлдиришнинг муҳим манбаи ҳамда тил лексик таркибини бойитишнинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади.

Тил структураси турли сатҳ бирликларини, шунингдек, уларнинг бирикишидаги шартли қоидаларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Тил тузилишининг мунтазам қоидаларига асосланган бундай хусусият эркин бўлмаган бирикмалардан бирликларни танлаш хусусиятига қарама-қарши туради.

2. Фразеологик вариантланишнинг лингвистик моҳияти

Вариантланишнинг кенг тараққий этиши француз фразеологиясининг ўзига хос асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Вариантланиш ҳозирги замон тил фразеологик фондини бойитиш ва янгилашнинг энг муҳим манбаларидан бири саналади. Зеро, вариантланиш ҳодисаси тил бирликлари ичида кўпроқ ФБларга таалукли бўлиб, тилнинг фразеологик луғат таркибида маълум бир ФБнинг кўплаб вариантларига дуч келиш

мумкин. Бу ҳолатни ўзбек фразеологи Ш.Рахматуллаев ҳам шундай эътироф этади: «Вариантланиш – барча тил бирликларига, шу жумладан ибораларга ҳам хос ҳодиса. Кўп вариантли ибораларнинг асосий қисмини икки ва уч вариантли иборалар ташкил қилади. Умуман, ибораларда вариантланиш бошқа тил бирликларига нисбатан кучли бўлиб, бир иборанинг вариантлари сони ўнтагача етади».¹ Фразеологик вариантлар бадиий адабиётларда кенг қўлланилади ва улар нутқни ранг-баранг қилади, шунингдек, нутқнинг анча ёрқин, мазмунли ва аниқ чиқишига ёрдам беради.¹

Муайян ФБнинг лексик ва структур-грамматик ўзгаришларини ўрганиш фразеологиянинг назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилишда, хусусан, ФБлар мажмуи ва улар ўртасидаги фарқ борасидаги муаммолар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, ФБларнинг вариантланиш муаммоси тадқиқотчилар диққат марказидан ўрин олганлиги бежиз эмас, албатта. Бу эса фразеологиянинг доимий ҳаракатда эканлигини ва динамик тарзда ривожланишини яна бир бор тасдиқлайди.

Фразеологик вариантланиш муаммосига нисбатан бир қанча қарашлар мавжуд бўлиб, улар ичида ФБларнинг вариантланиши уларнинг семантик ўхшашлигини ўзгартирмаган ҳолда ушбу бирлик ўзгартирувчиларининг мустаҳкам нормаси сифатида ифодаланиши француз тилига мос келадиган қарашлардан биридир. Бундай талқин фразеологик вариантларда ФБлар вариантланишини умумий жиҳатдан тавсифловчи: 1) образ бирлиги; 2) маълум бир манбадан келиб чиқиш; 3) денотатив маънолар умумийлиги; 4) маънолар сонининг мос келиши; 5) тилда бажарилаётган функциялар ва категориал (лексик-грамматик) маънолар мослиги; 6) грамматик структура мос келмаганда ёки аксинча бўлганда лексик таркибнинг (тўлиқ ёки қисман) мос келиши каби белгилар мавжудлигини кўрамиз.

Биринчи белги- образ бирлиги фразеологик вариантларни фразеологик синонимлардан фарқловчи муҳим белгилардан саналади. Бундан ташқари,

¹ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – Б. 10.

¹ Гак В.Г. Беседы о французском слове. – М.: МО, 1966. – С.241-242;

бу белги семантик инвариант сифатида хизмат қилади ҳамда ФБлар ўхшашлигини сақлаб қолишдаги барча лексик ва структур-грамматик ўзгаришларда етакчи рол ўйнайди.

Иккинчи белги образ бирлиги билан чамбарчас боғлиқ. Аслида, ФБларнинг пайдо бўлиши кўпинча бир хил манбаларга бориб тақалади. Бундай манбалар айниқса, образсиз ФБларга хос вариантларнинг шунингдек, омонимия тараққиёти натижасида синхрон режада образлилик жиҳатидан бир-бирига мос келмайдиган вариантларни яшаш учун жуда муҳимдир. Масалан, *faire manger la grenouille* ва *faire sauter la grenouille*, яъни «*камомад қилмоқ*» маъносидаги ФБлар турли хил образли сўз бирикмалар сифатида қабул қилинганлигига қармасдан, фразеологик вариант ҳисобланади. Бу шу нарса билан изоҳланадики, биринчи ибора *қурбақа* образи билан фикран боғланган (*manger la grenouille*- сўзма-сўз таржимаси : «*қурбақа емоқ*»), иккинчи ибора эса *ғаладон* образи билан боғланган (*faire sauter la grenouille* – сўзма-сўз таржимаси: «*ғаладонни сундирмоқ*»). Аммо *manger la grenouille* иборасининг этимологик жиҳатдан бошланғич маъноси «*ғаладондаги пулни тугатмоқ*» бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, вариантланиш кўпроқ образли ФБларга хосдир. Бу хусусият образсиз ва архаик ФБларда жуда камдан – кам учрайди.

Учинчи белги денотатив маънолар умумийлигидан иборат. Фразеологик вариантлар турли стилистик буёқларга эга бўлишига қарамасдан, семантик режада бир хил қийматга эга. Тадқиқотчилар турли хил нутқ стилига хос бўлган бундай ФБларни синонимлар деб ҳисоблайди. Масалан, бундай тадқиқотчилар *perdre la tête* ва *perdre la boule* ‘*ақлини йўқотмоқ*’ ФБларини бир хил образ орқали ясалишидан ва маъно жиҳатидан бир-биридан умуман фарқ қилмаслигига қарамасдан вариантлар деб эмас, балки синонимлар деб ҳисоблайди. Фразеологик вариантлар ва фразеологик синонимларни бундай фарқлашда ФБлар пайдо бўлишидаги семантик омиллар ролининг камайишига асосланади. Чунки бундай ҳолларда келтирилган бирликнинг образ бирлиги, келиб чиқишининг умумийлиги ва

семантик бир хил қийматга эгаллиги инобатга олинмайди. Уларни стилистик белгиларга кўра синонимлар таркибига киритиш ғайриқонунийдир, чунки бу белги унинг барча муҳим томонлари олдида фразеология объектини ажратиб кўрсатиш мезони сифатида хизмат қила олмайди. Негаки, фразеологик вариантлар, яъни у ёки бу ФБларнинг турли хил шакллари ёки фразеологик синонимлар тилнинг алоҳида, мустақил бирлиги ҳисобланади.

Тўртинчи белги маънолар сонининг мос келишидан иборат бўлиб, у юқорида санаб ўтилган белгилардан келиб чиқади. Агар фразеологик вариантлар бир хил образлиликка эга бўлса, битта манбадан келиб чиқса ва маъновий мазмуни бир хил бўлса, у ҳолда қоидага биноан, улардаги маънолар сони ҳам бир хил бўлади. Одатда, ФБнинг янги маъноси унинг барча вариантларида ҳам ўз аксини топади. Масалан, бир хил образли асосга эга бўлган *faire la cour à qn.* ва *faire sa cour à qn.* фразеологизми ‘бировга эътибор қилмоқ’, ‘биров билан лутфан гаплашмоқ’ ва ‘ўз ҳурматини бировга изҳор қилмоқ’ маъносидаги ФБларнинг вариантлари ҳисобланади. Биринчи вариант яна бошқа маънони ҳам ифодалаши мумкин, яъни иккинчи вариантга мутлоқо хос бўлмаган ‘бировнинг кўнглини олмоқ’ маъноси. Ушбу маъно жиҳатидан эса у ҳақиқатдан ҳам *faire la cour à qn.* фразеологизмининг варианты ҳисобланмайди.

Бешинчи белги ФБларнинг вариантланиши ва уларнинг тилдаги вазифаси ҳамда категориал (лексик-грамматик) маъноларининг мос келиши билан боғлиқ. Фразеологик вариантлар бир хил синфларга (коммуникативли ёки коммуникативсиз ФБлар), майда гуруҳларга (номинативли, ёрдамчи, боғловчили ёки модал ФБлар), лексик-грамматик турларга (отли, сифатли, феълли, равишли ФБлар) мансуб бўлиши лозим. Агар шунга ўхшаш хусусиятлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда, ҳатто бир хил образлиликнинг мавжудлигига қарамасдан, уларни фразеологик вариантлар деб ҳисоблаш ноўрин. Қиёслайлик: *mettre au point – mise au point ; à l’ombre – à l’ombre de ; hurler avec les loups – il faut hurler avec les loups ;*

Олтинчи белги фразеологик вариантларнинг структур-грамматик фарқлари ўртасида ҳеч бўлмаганда битта умумий компонентнинг мавжудлигини тақозо этади. Масалан, қуйида келтирилган мисолларда лексик инвариант сифатида умумий компонент бўлиб хизмат қилувчи сўз - бу от сўз туркумига хос бўлган *argent* сўзи бўлиб ҳисобланади: *accepter qch pour argent comptant ; prendre qch pour argent comptant ; accepter qch pour de bon argent ; prendre qch pour de bon argent .*

Бироқ лексик инвариантларнинг мавжудлиги ҳар доим ҳам шарт эмас. Компонентларнинг ўзаро жой алмашиши баъзи бир фразеологик вариантларда икки даражали бўлиши ҳам мумкин, яъни учинчи вариант биринчи вариант билан ҳеч қандай умумий компонентга эга бўлмайди. Лекин иккинчи вариант ёрдамида учинчи вариант биринчи вариантга яқин келса, тўртинчи вариант иккинчи вариантга учинчи вариант орқали яқин келиши мумкин ва ҳоказо. Қиёсланг: *détourner qn de son chemin; écarter qn de son chemin ; écarter qn de sa voie – бировни тўғри йўлдан оғдирмоқ ; casser la tête à qn; fendre la tête à qn; rompre la tête à qn; rompre la cervelle à qn; - бировнинг жонига тегмоқ.*

Келтирилган мисоллар ФБларнинг семантик моҳиятидан ва шунингдек, ҳатто лексик инвариант мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам уларнинг ўхшашлигини сақлаб қолишдан ёрқин далолат беради.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда фразеологик вариантлар ҳақида қуйидагича хулосага келиш мумкин.

Фразеологик вариантлар - бу ФБлар хилма-хиллигининг мустаҳкам нормаси ҳисобланади. Улар образ бирлиги ва маъновий мазмуннинг умумийлиги, тилда бажарадиган вазифаларига кўра мос келиши ва ўз категориал (лексик-грамматик) маънолари жиҳатдан бир хиллиги билан тавсифланади.

3. Фразеологик бирликларда вариантланиш ҳодисасининг морфологик ва семантик қирралари.

Феъл билан ифодаланган турғун бирикмалар қаторига ўзининг лексик ва грамматик компонентларини ўзгартира оладиган ҳар қандай фразеологик ва нофразеологик бирликларни киритиш мумкин. Фразеологик тавсифга эга бўлган турғун бирикмалар ўз компонентларини ўзгартирганда, улар ифодалаётган маъноларнинг ҳам ўзгаришига сабаб бўлади. Буни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин: 1) *en conter (en raconter) de belles (de bien, de bonnes, de fortes, de cossues, de verte) histoires*: а) *ақлга тўғри келмайдиган нарсаларни гапирмоқ*; б) *ярамас (беадаб) гапларни айтмоқ*; 2) *arriver (être, se trouver) au bout de son rôle (de son rouleau)*: а) *ўлим тўшағида ётмоқ*; *сўнги нафасни олмоқ*; б) *барча далилларни келтирмоқ*; *барча имкониятларни ишга солмоқ*.

Фразеологик хусусиятга эга бўлмаган турғун бирикмалар эса ўз феълли компонентларини ўзгартирса ҳам бирикма ифодаладиган маънога таъсир қилмайди. Масалан: 1) *arranger (regler) une affaire*: *ишни йўлга қўймоқ*; *рақибларни мурасага келтирмоқ*; 2) *faire (rendre) hommage* : *ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқ*; *ҳурмат билан эсга олмоқ*.

ФБларни бундай туркумларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Чунки уларнинг ясалиш тартибида бир қанча умумий томонлар мавжуд. Фразеологик хусусиятга эга бўлмаган бирикмалар фразеологияни бойитишнинг ва тўлдиришнинг доимий манбаи эканлигини ҳеч ким инкор этмайди. Фразеологик ва нофразеологик турғун бирикмаларни бир-бирига боғлашдаги ҳаққонийлик шундан иборатки, кўпчилик тадқиқотчилар фразеология борасидаги ўз ишларида нофразеологик хусусиятли турғун бирикмаларни илмий равишда тадқиқ этиб, уларни тил фразеологик фондининг периферияси деб ҳисоблайдилар. Айрим тадқиқотчилар эса турғун бирикмалар ўз компонентларининг такрорланмас маънолари билан фразеологияга киритилганлиги ҳақида мулоҳаза юритадилар.²

² Арнольд И.В. Семантика. Стилистика. Интертекстуальность. – СПб: Изд-во С.Петербург. ун-та, 1999. – С. 242-243.

Турғун бирикмаларнинг энг аҳамиятли хусусиятларидан бири уларнинг барча фразеологлар томонидан тан олинганлигидир. Аммо фразеологик курилмалардаги турғунлик ҳали фразеологияда барчага маъқул бўлган ўз тушунчасига ва талқинига эга эмас. Фразеология борасида олиб борилган кўпчилик тадқиқотларга назар ташласак, ФБларга хос турғунлик хусусиятини моҳиятига ва асосига турлича тавсиф берилганилигининг гувоҳи бўламиз.

Дастлаб, тайёр ҳолда қайта ишланган ФБларга хос турғунлик тушунчаси пайдо бўла бошлаган. Бу ғоя Ф. де Соссюр қарашларига хос бўлиб, у эркин уйғунлашувни ва анъанага кўра, синтаксис ва улардаги маъно асосларидан келиб чиқадиган узвал хусусиятга эга бўлган тайёр нутқни турларга ажратади. Шунингдек, Н.М.Шанский³ ҳам турғунликни худди шундай тушунади, яъни тайёр ҳолда қайта ясалишни ФБларга хос асосий хусусиятлардан бири деб ҳисоблаб, қолган хусусиятларни, хусусан, бирикмалар таркибидаги ва тузилишидаги турғунлик хусусиятини ушбу қайта ясалиш хусусиятидан келиб чиқади, деб таъкидлайди. Бу ерда қайта боғлиқлик, яъни лексик тартиб, структура ва маънолар ҳамда ФБлар кўлланилишининг турғунлиги хотирадан бутунлай олинади ва ФБларнинг тайёр ҳолда пайдо бўлишига олиб келади.

Дастлаб, бирикманинг лексик таркиби ва структураси пайдо бўлади. Улар луғат таркибига кириши ва тил бирлиги ҳисобланиши учун маълум маъно касб этишлари лозим. Бошқа тадқиқотчилар, масалан, Н.Н.Амосова сўз бирикмаларининг анъанавий такрорланишида уларни семантик қайта қурилишсиз акс эттиради.⁴ Бундай талқин фақат нофразеологик хусусиятдаги турғун бирикмаларга, балки ясалишида бир-биридан фарқ қиладиган фразеологик хусусиятдаги турғун бирикмаларга ҳам хосдир.

Фразеологик ва нофразеологик хусусиятдаги бирликлар турғунлигини уларнинг пайдо бўлиш табиати жиҳатидан ўхшаш деб ҳисоблаш мумкин.

³ Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – М.: ВШ, 1969. – С.29.

⁴ Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Л.: ЛГУ, 1963. – 208 с.

Шунинг учун ҳам турғунлик ҳақида аниқ бир хулосага келиш лозим. Агар тадқиқотдан кўзланаётган мақсад шуни талаб қилса, фразеологик ва нофразеологик birlikларга хос бўлган турғунлик турларини ажратиш муҳимдир.

Турғунликни замонавий тушунишда У.Росс Эшби карашлари муҳим аҳамият касб этади.⁵ Гап шундаки, «турғунлик» сўзи «инвариантлик» ғояси асосида содир бўлади. Бу ғоя эса бутун система доимий ўзгаришларга дуч келишига қарамасдан, ундаги баъзи бир хусусиятларнинг («инвариантлар») ўзгармай қолишидан иборатдир.

Кўпчилик фразеологлар бу ғояни давом эттирган ҳолда турғунлик тушунчасини инвариантлик тушунчаси билан боғлайдилар ва шу билан бирга, турли тадқиқотчилар вариантлар ва инвариантларни турлича тушунадилар ҳамда турлича талқин қиладилар. Масалан, Т.А.Бушуй вариантлар маъносида ФБнинг парадигматик ва синтагматик ўзгаришларини ва маълум сатҳнинг структур қоидалари билан чегараланган хилма-хилликни тушунади.⁶ Бунда тадқиқотчи ФБлар турғунлигига уларнинг релевант белгиси сифатида қараб, турғунликни ўзгарувчан танловнинг чегараланишига асосланган ҳамда инвариантлик тушунчаси билан ва хилма-хиллик чегараси билан узвий боғлиқ деб ҳисоблайди.

А.В. Куниннинг ишларига назар ташласак, ФБлар турғунлиги фразеологик системага хос инвариантликнинг кўлами сифатида талқин қилинади. Шу билан бир қаторда, у фразеологик турғунликни қуйидагича турларга ажратади: 1) ФБлар қўлланилишининг турғунлиги, 2) маъно турғунлиги, 3) лексик таркиб турғунлиги, 4) морфологик турғунлик, 5) синтактик турғунлик.⁷

⁵ Росс Эшби У. Введение в кибернетику. – М.: Наука, 1959. – С.109.

⁶ Бушуй Т.А. Принципы группирования фразеологических единиц в контрастивном лексическом словаре // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 1999. -№3. – С. 33-34.; Бушуй Т.А. Основы теории контрастивной лексикографии (в ракурсе фразеологии). – Ташкент: Фан, 2001. – С.118-126.

⁷ Кунин А.В. Английская фразеология. - М.: ВШ, 1970. – С.88.

1. Ф Б л а р қ ў л л а н и л и ш и н и н г т у р ғ у н л и г и ҳақида тўхталсак, турғун бирикмалар у ёки бу муаллиф томонидан ишлатилинадиган хусусий қурилма эмас, балки тил бирлиги, яъни тил жамоасининг мулки ҳисобланади. ФБлар қўлланилишидаги турғунлик турғун бирикмалар луғатида ёки бир нечта муаллифларнинг тасдиғида ўз ифодасини топади. Айрим турғун ибораларни, хусусан маълум бир муаллифга тегишли бўлган ёки муаллиф томонидан қайта ишланган ФБларни умумжамоа мулки ва қўлланилиши жиҳатидан турғунлик хусусиятига эга деб ҳисоблай олмаймиз. Масалан, кўпчилик луғатларда *jeter son bonnet (sa coiffe) pardessus les moulins* деб берилган ФБ а) *гипининг ярмида қолмоқ*; *ҳикояни чала қолдирмоқ*; б) *ёмон йўлга кирмоқ*; *тубанлашмоқ* деб талқин қилинади. Шунга ўхшаш ФБ шакллариининг ёлғиз қўлланилиш ҳоллари луғатларда ёки муаллифлар ижодида қайд этиб ўтилмаган, шунинг учун ҳам уларни турғун ҳолда қўлланилиш хусусиятига эга деб ҳисоблай олмаймиз.

2. Ф Б л а р д а г и м а њ н о т у р ғ у н л и г и бирикма ифодаладиган тушунча турғунлиги билан ўзвий боғлиқ. Турғун ФБлар бир нечта сўзлардан, яъни лингвистик белгилардан ташкил топади. Шундай экан, улар тил системасига хос бўлган белги хусусиятига эга. Ушбу белгилар асосида икки томон, яъни ички мазмуний ва ташқи материалли томон юзага келади.

Лингвистик белгиларнинг материалли қобиғи борлиқнинг маълум бир парчаси билан мос келади (масалан, нарса, ҳодиса, уларга хос хусусиятлар ҳамда бизни ўраб турган атроф-муҳитга нисбатан муносабатлар). Лекин бу воқеа-ҳодисалар, уларга хос хусусиятлар ва уларга бўлган муносабатлар лингвистик маънони ташкил этмайди, балки уларнинг онгимиздаги акси лингвистик маъно асосини ташкил этади.

Шундай қилиб, лингвистик маъно мантиқий шакллар билан ўзвий боғлиқдир. Аммо турғун бирикмалар ифодаладиган «борлиқ парчаси» ҳақидаги тушунча турли даврларда турлича бўлиши мумкин. Биринчидан, у «борлиқ парчаси»даги ўзгариш билан, иккинчидан, ушбу «борлиқ парчаси»

атрофида ихтиро қилинган янги билимлар билан, учинчидан эса, тил тизимидаги доимий содир бўладиган турли хил лингвистик ўзгаришлар билан боғлиқ. Буларнинг ҳар бирига хос бўлган инвариантлик асосида маъно англатувчилар сифатидаги ФБ ёки денотаторлар ва маъно англашилувчилар ўртасидаги, яъни денотатлар ва ФБлардан англашилаётган маъно(десигнат)лар ўртасидаги ўзаро турғун муносабатлар сақланиб қолади.

3. Ф Б л а р д а л е к с и к т а р к и б т у р ғ у н л и г и н и н г ўзгармас эканлиги кўпчилик тилшунослар томонидан тан олинган. Н.М.Шанский бирикма компонентлари тартибида майда ўзгариш содир бўлса ҳам янги ФБ ҳосил бўлишига олиб келишини таъкидлаб ўтади.¹ Бундай ҳолат барча тиллар фразеологиясига хос. Лекин, лексик таркибнинг ўзгармаслиги француз фразеологияси учун аҳамиятли хусусият ҳисобланмайди.

Француз тилида турғун бирикмалар ўз таркибларидаги лексик компонентларини ўзгартириш хусусиятига эгадирлар. Улар нутқ жараёнида ўзгариши билан эмас, балки фразеологик луғатларда ва қўлланмаларда белгилаб қўйилганлиги ҳамда тил тизимида тегишлилиги билан тавсифланади. Турғун бирикмалар ўз компонентларини ўзгартириши мумкин. Масалан, феълли компонентларни олайлик: *plier bagage - trousser bagage*: а) кетмоқ; жуфтакни ростламоқ; б) ўлмоқ. Қуйидаги мисолларга эътибор қилайлик:

Monsieur, 'il faut plier bagage

J'ai très peu de temps, je plie bagage

Қуйида отли, сифатли ва равишли компонентларнинг ўзгаришига мисоллар келтириб ўтамиз. Отли компонентлар: *abandonner dans les sens - abandonner dans les vues de qn.* : а) бировнинг фикрини маъқулламоқ; б) ҳушомад қилмоқ. Сифатли компонентлар: *avoir les reins solides - avoir les reins forts* : а) зуваласи пишиқ бўлмоқ; б) бой-бадавлат бўлмоқ. Равишли компонентлар: *n'avoir pas un poil de sec - n'avoir point un poil de sec* : а) жиққа ҳўл бўлмоқ; б) қаттиқ қўрқмоқ.

¹ Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – М.: ВШ, 1969. – С.29.

Булардан ташқари, француз тилида битта турғун бирикма ўз таркибида бир вақтнинг ўзида икки хил компонентни ҳам ўзгартириши мумкин. Масалан: *avoir les yeux plus grands (plus gros) que le ventre (la pense)* : а) *фахрланадиган бўлмоқ*; б) *катта эътироз билдирмоқ*. Бу ерда ФБ таркибидаги сифатли ва отли компонентлар ўзгармоқда.

Бундай турғун бирикмалардаги инвариантланиш бирикмаларда содир бўладиган барча ўзгаришларга қарамасдан, турғун бирикмаларни бир хил деб ҳисоблашга имкон берадиган лексик компонентларни ўзгартирмайди.

4. Ф Б л а р д а г и м о р ф о л о г и к т у р ғ у н л и к компонентларнинг бошланғич ва нотўлиқ парадигмадан бошлаб мавжудлиги билан тавсифланади.¹ Турғун бирикма таркибидаги отлар фақат бирликда ёки кўпликда ишлатилиши мумкин. Масалан, *tenir la bougie - tenir la chandelle* : а) *кўнгилни овламоқ*; б) *қўшмачилик қилмоқ*. Бу ердаги *bougie* ва *chandelle* сўзлари фақат бирликда қўлланилиши лозим. Агар улар кўпликда қўлланилса, ФБда морфологик турғунликнинг бузилишига ва эркин бирикма пайдо бўлишига олиб келади. Айрим ФБларда эса отлар фақат кўпликда ишлатилиши лозим. Масалан, *décrocher les tableaux - décrocher ses tableaux*: *бошдан-оёқ йиғиштирмоқ*. Бу бирикмадаги *tableaux* сўзи фақат кўпликда ишлатилсагина, бирикмада фразеологик маъно акс этади. Акс ҳолда эса бирикманинг фразеологик хусусияти йўқолади.

Турғун бирикмалар таркибидаги сифатларнинг морфологик турғунлиги уларнинг фақат бир хил даражада ишлатилиши билан тавсифланади. Масалан, *avoir les yeux plus grands (plus gros) que le ventre (la pense)*. Бу ердаги *grand* ва *gros* сифатлари фақат қиёсий даражада ишлатилиши шарт. Улар қиёсий даражадан ташқари бошқа даражада ишлатилса, у ҳолда бирикма фразеологик маъно касб этмайди.

5. Ф Б л а р д а г и с и н т а к т и к т у р ғ у н л и к ҳақида гап борганда, аналитик тиллардан бири бўлмиш француз тили синтаксиси

¹ Кунин А.В. Английская фразеология. - М.: ВШ, 1970. – С.101.

бошқа тил синтаксисига қараганда анча қатъий эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Бундай ҳолат турғун бирикмаларга ҳам хос. Бирикмалар таркибининг синтактик турғунлиги Ш. Балли таъкидлаганидек, ўзгармасдир.⁸ Баъзан феълли турғун бирикмалар гуруҳи ўз таркибларида маълум бир синтактик ўзгаришларни ҳам пайдо қилиши мумкин. Бу ўзгаришлар ҳеч қачон меъёр даражасидан ошиб кетмайди ва улар чегараланган хусусиятга эга бўладилар. Булар грамматик нормаларда белгиланган инверсия ёки стилистик мақсаддаги инверсия бўлиши мумкин. Масалан: *Eh bien quels hommages ne devez-vous pas rendre aux prêtres qui représentent Dieu sur la terre* (AFL, p.19). Ушбу жумлада *rendre hommage à qn.* фразеологик ибораси қўлланилган. Лекин бу ерда бирикма таркибидаги сўзларнинг синтактик ўрни ўзгарган, яъни инверсия қилинган. Шунга ўхшаш ФБлар окказионал хусусият касб этиб, турғун сўз бирикмаларга хос синтактик структураларнинг инвариантлиги синтактик ўзгаришлар имкониятининг чегараланганлиги билан белгиланади.

Юқорида қайд этилганидек, ушбу бўлимда турғун феъл бирикмалар, яъни ўз таркибларида лексик ёки грамматик хусусиятдаги компонентларини ўзгартира оладиган турғун бирикма турлари ҳақида мулоҳаза юритилмоқда. Шунга ўхшаш бирикмалар турғун бирикма турлари деб аталади. Бир қанча тадқиқотчилар уларни **с т р у к т у р в а р и а н т л а р в а с т р у к т у р с и н о н и м л а р** га ажратади. Улар ўртасидаги фарқ нафақат терминологик хусусиятдан, балки кўрилаётган муаммонинг икки хил нуқтаи назар билан ифодаланишидан иборатдир. Бундай ғоя тарафдорлари турғун бирикмаларни икки турга ажратишдаги муҳим фарқларга эътибор қилади. Масалан, А.В. Кунин структур вариантлар гуруҳига турли хил сўз шаклларида ёки сўзлар тартибида бир хил стилистик ва синтактик вазифага эга бўлган бир хил миқдордаги ва бир хил маънодаги ФБларни киритади.¹ Структур синонимлар гуруҳига эса қўлланилиш доираси бир-биридан маъно

⁸ Балли Ш. Французская стилистика. – М.: ИИЛ, 1961. – 394 с.

¹ Кунин А.В. Английская фразеология. – М.: ВШ, 1970. – С.69.

нозикликлари билан фарқ қиладиган турли хил маъно ва лексик таркибга эга бўлган ФБларни киритади.²

Структур синоним ва структур вариантларга бўлган бундай нуқтаи назар бошқа фразеологларнинг қарашларига ҳам хосдир. Масалан, И.И.Чернышева ҳам турғун феъл бирикмаларни структур синоним ва структур вариантлар гуруҳига ажратади.³ Лекин унинг структур синоним борасидаги тушунчаси А.В.Куниннинг тушунчасига нисбатан анча кенгрокдир. Хусусан, И.И.Чернышева ФБлардаги семантик, стилистик ва бошқа белгиларнинг бир-бирига мос келишига қарамасдан, лексик компонентларини ўзгартириши билан ясаладиган ФБларнинг барча турларини структур синонимлар, ўз компонентларининг ва баъзи структур вариантларининг лексик таркибидаги сўз шакллариини ўзгартирувчи ФБларни эса структур вариантлар гуруҳига таалукли деб ҳисоблайди.

Н.Н.Амосова томонидан ишлаб чиқилган контекстологик метод ФБлар таркибидаги лексик элементлар хилма-хиллигига йўл қўймайди. Н.Н.Амосова улардаги лексик таркиб турғунлигининг бузилишига, шу билан бирга, доимий контекстдаги асл маъно тушунчасининг бузилишига олиб келадиган ФБларни контекстнинг доимий бирликлари деб ҳисоблайди. Шу сабабли ўз тузилиши, хусусан, лексик таркиби, маъноси, синтактик вазифаси, стилистик ифодаланиши бўйича бир-бирига ўхшайдиган ФБлар, гарчи бир-бирига синонимик бўлган идиомалар бўлса ҳам бошқа-бошқа, яъни турлича ҳисобланадилар. Н.Н.Амосова назариясига биноан, структур вариантлар фақат идиомаларга хос материал таркибнинг семантик бутунлиги ва улардаги материал базанинг бузилишига сабаб бўлмайдиган сўз шакллариининг турли-туманлигига олиб келадиган ФБлар ҳисобланади.¹

Юқоридаги мулоҳазаларга кўра И.И.Чернышева ва Н.Н.Амосоваларнинг структур жиҳатдан вариантланиш борасидаги қарашлари кўпчилик ҳолларда

² Кунин А.В. Ўша асар. – С.145

³ Чернышева И.И. Фразеология современного немецкого языка. – М., ВШ, 1970. –С.75, 87, 98.

¹ Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Л.: ЛГУ, 1963. – С. 58, 97 – 99.

бир-бирига мос келади, қолаверса, буни И.И.Чернышеванинг ўзи ҳам таъкидлаб ўтган.⁹² А.Г.Назарян ва Т.А.Бушуйлар эса вариантланиш ва синонимлилик муаммосига тил системаси нуктаи назаридан ёндашадилар.¹⁰³ Улар вариантланишни ФБлардаги компонентли ва синтактик ўзгаришлар деб ҳисоблайдилар. Негаки, компонентли ўзгаришлар фразеологик системада намоён бўлади ва ФБлар ўхшашлигига таъсир қилмайди, синтактик ўзгаришлар ҳам фразеологик системада содир бўлишига қарамасдан, ФБлар маъносига ўз таъсирини ўтказмайди. Ибора ясовчи хилма-хиллик янги бирикмаларнинг пайдо бўлишига, яъни фразеологик системада ўзгаришлар ва ФБларда янги маъно оттенкаларининг пайдо бўлишига олиб келади. Шу сабабли ибора ясашдаги хилма-хиллик ФБларнинг турлари ҳисобланмайди.

Юқорида тилга олинган муаллифларнинг структур синонимлар ва структур вариантланиш муаммоси борасидаги қарашлари бир-биридан фарқ қилади. Фразеология тадқиқотчиларининг бошқа бир гуруҳига хос ишларга назар ташласак, биз ФБлардаги компонентларнинг ўзаро ўзгаришининг моҳиятини бошқача талқин қилинганлигига дуч келамиз. Бу тадқиқотчилар вариантланиш ҳодисасини бир ном асосида, яъни фразеологик вариант номи билан аталадиган ва структур вариант ҳамда структур синоним турларига ажратилмайдиган ўзига хос ФБлар деб ҳисоблайдилар. Бунда фразеологик вариантларни қуйидагича таърифлаш мумкин: фразеологик вариантланиш ФБлар таркибидаги компонентлар(от, сифат, феъл, предлог ва бошқалар)нинг ўзаро алмашинишидан пайдо бўлади. Оқибатда улар тузилиш жиҳатидан ҳамда лексик таркиб ва маъно жиҳатидан ҳам умумийликка эга бўладилар, лекин компонентларнинг фақат лексик безаклари билангина бир-биридан фарқ қиладилар. ФБларнинг турлари ҳақида яна шуни таъкидлаш мумкинки, уларни семантик, лексик, морфологик, фонетик, фоно-морфологик ва бошқа турларга ҳам ажратиш мумкин.

² Чернышева И.И. Фразеология современного немецкого языка. – М., ВШ, 1970. – С. 98.

³ Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. – М.: ВШ, 1987. – 288 с.

Бушуй Т.А. Основы теории контрастивной лексикографии (в ракурсе фразеологии). – Ташкент: Фан, 2001. – 206 с.

Бундай кузатишлардан асосий мақсад, икки хил бирикманинг бир-бирига мос келиши ёки маълум бир турғун бирикма таркибидаги лексик компонентларнинг алмашилиши натижасида пайдо бўладиган лексик вариантларга эга бўлган турғун бирикмаларнинг ясалиш муаммоси эмас, балки ҳозирги вақтда тил системасида шундай бирликлар ўз вариантлари билан мавжудлиги муаммосидан иборатдир.

Гапирувчи учун эмоционал ва ассоциатив танлов имкониятлари ва турғун бирикма вариантларидаги баъзи бир семантик ва стилистик маъно оттенкаларининг мавжудлиги масаласига келсак, бундай ФБларнинг ясалиши янги турғун бирикманинг пайдо бўлишига олиб келмайди ва шунга кўра, улар томонидан ифодаланган маъно ва тушунчада ўзгариш содир бўлмайди. Фразеологик вариантлар тўғрисида шундай хулосага келиш мумкинки, баъзи лексик, грамматик ва лексик-грамматик тафовутлар сабабли структураси, лексик таркиби ва маъноси жиҳатидан умумийликка эга бўлган ФБлар хилма-хиллигини турғун бирикма турлари деб ҳисоблаш мумкин.¹¹

Ушбу бўлимда турғун бирикмаларнинг турлари ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз шуни таъкидлаш жоизки, турғун бирикмалардаги хилма-хиллик лексик жиҳатдан ўзгарувчанликка, яъни феъл, от, сифат ва равишларнинг ўзгаришига олиб келади.

Улардаги феълларнинг ўзгариши ҳаракатнинг тугалланганлик ва тугалланмаганлик хусусиятлари билан боғлиқ равишда амалга ошади. Масалан, *faire buisson creux - trouver buisson creux*: а) *овдан қуп - қуруқ қайтмоқ*; б) *кеч (қоронғида) қайтмоқ*; в) *панд емоқ*; *commencer la danse - mener la danse*: а) *биринчи бўлиб даврага тушмоқ*; б) *бирор машаққатни биринчи бўлиб бошидан кечирмоқ*; в) *ҳаммага бош-қош бўлмоқ*. Худди шунга ўхшаш ҳоллар олмошли феъллар билан ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан, *se donner des airs de ... - prendre des airs de ...* : а) *гердаймоқ*; б) *ўзини ... қилиб кўрсатмоқ*.

¹¹ Бокадорова Н.Ю. Французская лингвистическая традиция XVIII начала XIX в. Структура знания о языке. – М.: Наука, 1987. – С. 102-103..

Агар бирикма таркибидаги сифатлар ўзаро ўзгарса, у ҳолда улар ўрнини ўтган замон сифатдошлари эгаллайди. Масалан, *avoir le nez long - avoir le nez allongé* : а) *саросимага тушмоқ; гангиб қолмоқ*; б) *икки қўлини бурнига тикиб қолмоқ*. Сифат даражаларининг ўзгариш ҳолларини ҳам учратиш мумкин. Масалан, *écrire de bonne encre - écrire de sa meilleure encre*: а) *шижоат билан ёзмоқ*; б) *энг яхши стилда ёзмоқ*.

Бундан ташқари, бирикмаларда равишларнинг ўзгариш ҳоллари ҳам учраб туради. У ҳолда кўпроқ инкор равишларининг бошқа турлар билан алмашилиш ҳоллари юз беради, яъни *n'avoir pas un poil de sec – n'avoir point un poil de sec* : а) *жиққа ҳўл бўлмоқ*; б) *қаттиқ қўрқмоқ*.

Турғун бирикмалардаги лексик хилма-хилликни синоним сўзларнинг ўзаро ўрин алмашуви орқали ҳам кузатиш мумкин. Масалан, синоним феъллар билан: *rentrer au bercail – revenir au bercail* (*оила даврасига қайтмоқ - жиловини маҳкам тутмоқ*). Агар синоним отлар ўзаро алмашганда эса кўйидагича ҳолат кузатилиши мумкин: *mettre des mots dans la bouch de qn. – mettre des paroles de la bouche de qn.* (*шуншутмоқ-эсига солмоқ*). Синоним сифатлар алмашса: *avoir les reins solides – avoir les reins forts* (*зуваласи нишиқ бўлмоқ-бадавлат бўлмоқ*). Бирикма таркибидаги сўзларнинг синоним сўзлар билан алмашилиш ҳолларини ҳам кузатиш мумкин: *avoir l'air à la danse – avoir l'air à la poce* (*рақсга тушишни хуш кўрмоқ - хушчақчақ бўлмоқ*).

Бир хил семантик гуруҳга мансуб сўзларнинг алмашилиши орқали ҳам турғун бирикмалар вариантланиши содир этилади: *rire aux anges – sourire aux anges* (*хурсандчиликдан ўзини қўйишга жой топмаслик-оғзининг таноби қочмоқ*); *bourrer la tête – bourrer la cervelle – bourrer le crane à qn.* (*бировни бошидан жудо этмоқ-бировнинг бошини қотирмоқ*).

Турғун бирикмалардаги грамматик хилма-хилликни отлардаги сон категориясининг ўзгариши жараёнида ҳам кузатиш мумкин: *faire du chichi-faire des chichis* (*такаллуф юзасидан тортинмоқ-тўполон қилмоқ*); *jouer sur le mot-jouer sur les mots* (*киноя билан гапирмоқ-сўздан айб топишга ўринмоқ*),

компонентларнинг ўзаро ўрин алмашинуви орқали: *avoir la mauvaise dent* – *avoir la dent mauvaise* (асов отдек бўлмоқ - гапга кўнмайдиган бўлмоқ).

Лексик-грамматик жиҳатдан қуйидагича хилма-хилликка дуч келиш мумкин: артикларнинг ўзгариши: *mettre sur le bon pied* – *mettre sur un bon pied* (отни миниига ўргатмоқ-бурчни бажармоқ), предлогларнинг ўзгариши орқали: *mettre à la mer-mettre en mer* (сувга тушмоқ-кемани сувга ташламоқ).

Юқорида кўриб чиқилган мисоллардан шундай хулосага келиш мумкинки, француз тилидаги турғун ФБлар хилма-хилдир. Улар лексик, грамматик ва бошқа баъзи бир турларни ташкил этади. Ҳатто маълум бир алоҳида турғун бирикманинг ўзида бир неча турларни учратиш мумкин.

I бобга хулоса

Ушбу бобга хулоса сифатида шуларни таъкидлаш мумкинки,

II БОБ

НОМИНАТИВ ФБЛАРНИНГ СТРУКТУР – СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРДА ВАРИАНТЛАНИШ ҲОДИСАСИ

1. Номинатив ФБларнинг структур таҳлили

Номинатив фразеологик бирликларни ўрганаётган пайтда албатта уларнинг структур жиҳатларига эътибор бериш лозим. Номинатив фразеологик бирликларни структур жиҳатдан таҳлил қилаётганда, биз номинатив фразеологик бирликларнинг қуйидаги структур хусусиятларига дуч келдик.

Тадқиқотимизни асосан от, сифат, сон, предлог ва артикл конструкцияли номинатив фразеологик бирликлар асосида олиб бордик. Тадқиқот жараёни осон ва тушунарли бўлиши учун номинатив фразеологик бирликларни маълум бир қолипга солиб уларни маълум бир формулалар асосида тадқиқ этишга ҳаракат қилдик. Булар қуйидагилар:

Номинатив ФБларнинг структур турлари:	Мисоллар:
1. $N_1+prép+N_2$ 2. $N+Adj$ 3. $Adj+N$ 4. $art+adj+N$ 5. $art+N+adj$ 6. $N_1+art+N_2$ 7. $art+N_1+prép+N_2$ 8. $adj+Art+N$ 9. $art_1+N_1+art_2+N_2$ 10. $art_1+adj+art_2+N$ 11. $N+adj+art+N_2+prép+N_3$ 12. $adj_1+prép+N+adj_2$ 13. $N_1+prép+adj+N_2$ 14. $art+nombre+N$	

Номинатив фразеологик бирликларни таснифлаб бўлганимиздан сўнг бевосита ҳар бир структур хусусият ҳақида кенгроқ ва мисоллар орқали тўхталиб ўтамиз. Номинатив фразеологик бирликларни таҳлил қилиш жараёнида кўп маротаба учратган хусусият:

1.N₁+prép+N₂ яъни от+предлог+от₂ конструкцияли номинатив фразеологик бирликлардир. Биз буни қуйидаги мисоллар орқали кўриб чиқамиз: *homme de bronze*

pecheur de lune

femmes de lettres

vie de garçon

main de fer

pays de loups

tête de liste.

Бу мисолларни бевосита кенгроқ таҳлил қиладиган бўлсак, бу келтирилган мисолларда иккита от сўз туркумига тегишли бўлган сўзлар *de* предлоги орқали ўзаро боғланыпти. Келтирилган мисолларда от сўз туркумига тегишли бўлган биринчи сўзларни семантик жиҳатдан жонли предметни ифодаловчи отлар, *homme*, *pecheur*, *femmes*.

Турдош отлар *pays*, *homme*, *pecheur*, сўзлари мужиский родда, *femmes*, *vie*, *main*, *tête* сўзлари эса женский роддаги отлардир. *De* предлогидан кейин келаётган от сўз туркумига мансуб бўлган отларни кўриб чиқадиган бўлсак, бу ерда *garçon* сўзи жонли предметни яъни инсон ва шахсга оид номни ифодалаб келаяпти. Тирик мавжудотни ифодаловчи отга эса *loups* сўзини киритишимиз мумкин. *Bronze*, *lune*, *lettres*, *fer*, *l'eau*, *liste* сўзларини турдош отларга киритамиз. Бу отлар конкрет яъни аниқ отлардир. Бу отлардаги род категориясига келадиган бўлсак, *bronze*, *garçon*, *fer*, *loups* сўзлари мужский род, *lune*, *lettres*, *liste* сўзлари женский роддаги отлардир.

Номинатив фразеологик бирликлар сон жиҳатдан мослашиш ҳолатини кўришимиз мумкин: *femmes de lettres*

pays de loups

homme de bronze

main de fer.

Аммо род категорияси жиҳатдан мослашмаган ҳолатларини ҳам кўриш мумкин: *vie de garçon*

pecheur de lune.

2.N+Adj яъни от+сифат конструкцияли номинатив фразеологик бирликлар: *liste noire*

personne morale

carte rose

rêve bleu

page blanche

table ronde

loup blanc

papier bleu

Бу типдаги номинатив фразеологик бирликларга ҳам кенг тўхталадиган бўлсак, от ва сифатдан ташкил топган номинатив фразеологик бирликлардир. От сўз туркумига кирган *liste, personne, carte, rêve, page, table, loup, papier* сўзлари сон жиҳатдан бирликда қўлланилмоқда, род категориясига эътибор берадиган бўлсак, булар қуйидагилар.

Женский рода: *liste, personne, carte, page, table,*

Мужский рода: *rêve, loup, papier* сўзларидир.

Бу отлар турдош отларга киради. Турдош отларни биз икки турга бўлиб ўрганамиз.

Аниқ отлар *liste, carte, page, table, loup, papier.* Мавҳум отларга *rêve* сўзи киради. Бу турдош отларнинг ҳаммаси саналадиган отлар гуруҳига киради.

Сифат сўз туркумига кирувчи сўзлар *noire, morale, rose, bleu, blanche, ronde, blanc* сўзларидир. Сифатларни аслий ва нисбий сифатларга ажратиш мумкин: Аслий сифатлар *noire, bleu, blanc, blanche, ronde*.

Нисбий сифатлар *morale, rose*.

Франсуз тилидаги аслий ва нисбий сифатлар от билан бирга келиб, отнинг род ва сони билан мослашади: *page blanche*

loup blanc

3. Adj+N яъни сифат+от. Бу типдаги қуйидаги номинатив фразеологик бирликларни келтириб ўтиш мумкин:

petite poste

vieux tableaux

gros légumes

bon prince

blanche main

mauvais sort

libre examen.

Бу конструкцияли фразеологик бирликларда сифатларни кўриб чиқадиган бўлсак, бу сифатлар ҳам аслий ва нисбий сифатларга бўлинади.

Аслий сифатлар: *petite, vieux, gros, bon, blanche mauvais*.

Нисбий сифатлар: *libre*.

Сифатларни род категорияси бўйича иккига ажратиш мумкин: ўзгармайдиган ва ўзгарадиган сифатлар. Ўзгармайдиган сифатларга келтирилган мисоллардан *libre* сифатини келтириш мумкин. Чунки «*libre*» сифати иккала родда ҳам бир хил кўринишга эгадир. Қолган сифатлар ўзгарадиган сифатлардир. Сифатдан кейин келган от сўз туркумига тегишли бўлган сўзларни таҳлил қиладиган бўлсак, отларнинг родига эътибор берадиган бўлсак улар женский родга; *poste, main* мужский родга; *tableaux, légumes, prince, sort, examen*.

Бу отларнинг сон категориясига эътибор берадиган бўлсак, *poste, prince, main, sort, examen* сўзлари бирликда, *tableaux, légumes* сўзлари

кўпликда қўлланилган. Чунки франсуз тилида отларнинг кўплик формасини яшаш учун бирликдаги отга талаффуз қилинмайдиган «s» ҳарфини қўшиш билан ясалади: бирлик кўплик

le legum *les légumes.*

Бирликда –ац, -еац, -еи қўшимчалари билан тугаган отлар кўпликда талаффуз қилинмайдиган х ҳарфини қабул қилади:

бирлик кўплик
le tableau *les tableaux.*

Сифат+от конструкцияли номинатив фразеологик бирликлар род ва сонда ўзаро мослашади.

4. art+adj+N. яъни артикл+сифат+от:

le grand seigneur
le grand carreau
la morte saison
la belle saison
la perfide Albion.

Бу номинатив фразеологик бирликларни таҳлил қилиш жараёнида аниқловчи бўлиб келадиган сифатлар олдидан отнинг родини аниқлаб келадиган артикллар қўлланилади. Юқорида номинатив фразеологик бирликларнинг артикл ҳолати келтирилган. Бу артикллар отнинг род, сон, аниқлик, ноаниқлик категорияларини аниқлаб келади. Берилган мисоллардан *le, la* артикллари аниқ артикллардир.

Мужский род бирликдаги от олдида *le*, женский род бирликдаги от олдида *la* артикллари қўлланилмоқда. Энди отларни таҳлил қиладиган бўлсак, бу отлар *seigneur, carreau, saison* ва *Albion* сўзларидир. Отлар олдидан ишлатиладиган сифатлар *grand, morte, belle, perfide* сифатларидир. Бу сифатлар ҳам аслий ва нисбий сифатларга ажратилади:

Аслий сифатлар *grand, belle*
Нисбий сифатлар *morte, perfide.*

Бу сифатлар ўзгарадиган сифатлар сирасига киради. Бу типдаги номинатив фразеологик бирликларни таҳлил қилиб, яна бир ходисага дуч келдик. Бу антонимия ходисаси:

la morte saison – қарилик даври.

la belle saison – йилнинг яхши, иссиқ фасли; ўсмирлик даври.

Бу ерда *belle* ва *morte* сифатлари семантик жиҳатдан бир-бирига зид маъноларни келтириб чиқаради.

5.Art+N+adj яъни артикл+от+сифат. Бу типдаги номинатив фразеологик курилма, юқорида таҳлил қилинган номинатив фразеологик курилманинг зидидир:

le salut public

le séjour éternel

la plaine bleue.

Отнинг аниқлик ёки ноаниқлик категориялари артикллар орқали белгиланади. Биз таҳлил қилаётган мисолларда аниқлик категориясини кўриб турибмиз.

Энди бевосита от сўз туркумига келадиган бўлсак, бу отлар турдош отлардир.

6.N+art+N₂ яъни от+артикл+от:

ami de la maison

colombe de la paix

assiette au beurre

Appel aux morts.

Бу конструкцияли номинатив фразеологик бирликларда от сўз туркумига тегишли бўлган сўзлар артикл орқали ўзаро боғланаяпти. Отларни бир-бирига боғлашда *de la* партитив артикили ва *au, aux* туташ артикллари ишлатилмоқда. От ва артикл род ва сон категориясида бир-бирига мослашяпти.

7.art+N₁+prép+N₂ яъни артикл+от+предлог+от.

un train de sénateur

le chantre d'Achille.

Бу конструкцияда от, артикл ва предлог билан боғланиб, номинатив фразеологик бирикма ҳосил қилмоқда. От олдидан келаётган артикларни таҳлил қиладиган бўлсак, берилаётган биринчи мисолда от сўз туркумига тегишли бўлган сўз мужский родга мансуб сўз бўлганлиги учун артикл ҳам мужский родга мансуб. От ноаниқ бўлганлига учун ноаниқ артикл ишлатилмоқда. Иккинчи мисолда от аниқ бўлганлиги учун аниқ артикл ишлатилмоқда. Иккинчи от сўз туркумига тегишли бўлган сўзлар *de* предлоги билан боғланыпти. *Achille* сўзи атоқли отдир, чунки *Achille* Гомернинг «*Iliada*» достонидаги қаҳрамоннинг исми.

8.adj+art+N яъни сифат+артикл+от. Бу конструкцияли номинатив фразеологик бирликларга қуйидаги мисолларни келтирамиз:

Batx aux pommes

Fanfan la tulipe.

Фразеологик бирикманинг бошида келаётган сифатлар *Batx*, *fanfan*. Бу сифатлар ўзгармайдиган сифатлардир. Артиклга эътибор берадиган бўлсак, отлар олдидан келаётган *aux*, *la* артикллари отларнинг родини ва сонини аниқлаб келади. *Aux* артикли туташ артикл, *la* артикли-аниқ артикл женский род. Артиклдан кейин келаётган отга эътибор берадиган бўлсак, *pommes* ва *tulipe* сўзлари аниқ отлардир.

9.art₁+N₁+art₂+N₂ артикл+от+артикл+от:

les sagesse de la terre

le siècle des lumières.

Бу типдаги номинатив фразеологик бирликлар артиклар ва отларнинг бирлашувидан ташкил топган. Бирикманинг бошида келаётган отлар *sagesse* ва *siècle* сўзлари женский родга мансуб отлардир. Отни олдидан қўлланилаётган артиклар *les* ва *le* аниқ артиклардир. Фразеологик бирикманинг охирида келаётган *terre* ва *lumières* сўзлари ҳам женский родга мансуб. Улар олдидан ишлатилаётган *de la* ва *des* артикллари отни аниқлаб келмоқда, *des* артикли ноаниқ артикл ва кўпликда қўлланилади, *de la* паритив артикл.

10. art+adj+art+N: *le vide des abstractions.*

Бу фразеологик бирикма артикл+сифат+артикл+от конструкцияли бирикма бўлиб, бундай номинатив фразеологик бирликлар кўп тарқалмаган. Бу фразеологик бирикмани таҳлил қиладиган бўлсак, сифат олдида келаётган артикл *le* аниқ артикл мужский родда. *vide* сифати ўзгарадиган сифатдир. От олдида келаётган *des* ноаниқ артикл кўпликда; *abstractions* сўзи кўпликда қўлланмоқда.

11.N+adj+art+N₂+prép+N₃, яъни от+сифат+артикл+от+предлог+от:

Fille aînée des rois de France.

Бу конструкцияли фразеологик бирликлар ҳам кам тарқалган. Бу номинатив фразеологик бирикма от, артикл, сифат ва предлог билан ўзаро боғланган. От сўз туркумига кирадиган *Fille* ва *rois* сўзлари аниқ отлардир. *Fille* сўзи бирликда, *rois* сўзи кўпликда қўлланилмоқда. *Rois* сўзининг олдида келаётган *des* артикли ноаниқ кўпликда қўлланиладиган артиклдир. Сифат бўлиб келаётган *aînée* ўзгарадиган ва аслий сифат. Бу сифат *filles* сўзига мослашиб женский родда қўлланилмоқда. Бу номинатив фразеологик бирикмани *de* предлоги ўзаро боғламоқда. Жой номини билдирган *France* сўзи атоқли отдир.

12.adj+prép+N+adj₂ . яъни сифат+предлог+от+сифат:

politique d'abandon national

politique de demission nationale.

Бу синонимик фразеологик бирикмалардир. Сифатларни таҳлил қиладиган бўлсак, *politique* ва *national* сифатлари юқорида келтирилган мисолдан кўриниб турибдики *politique* ўзгармас, *national* сифати эса ўзгарадиган сифатдир. Ҳар иккала сифат ҳам нисбий сифатлардир, чунки бу сифатларнинг қиёсий ва орттирма даражаларини ясаб бўлмайди. Бу фразеолгик бирикмада сифат ва отни *de* предлоги боғлаб турибди. От сўз туркумига тегишли бўлган *abandon* ва *demission* сўзларидир. Бу сўзлар род категориясига кўра *abandon* мужский родда, *demission* женский родда

қўлланмоқда,буни биз отдан кейин келаётган *national, nationale* сифатидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

13.N₁+prép+adj+N₂. от+предлог+сифат+от:

homme de bon appetite.

Бу конструкцияли фразеологик бирликларда от сўз туркумига кирувчи сўзларни таҳлил қиладиган бўлсак, бу ерда *homme* жонли предметни ифодалайди мужский род бирликда қўлланилмоқда, *appetite* сўзи ҳам мужский род бирликда қўлланилмоқда.

Bon сифатини таҳлил қиладиган бўлсак бу сифат ўзгарадиган сифатдир. *Homme* ва *bon* сўзларини *de* предлоги билан боғлаб турибди.

14.art+Nombre+Nom. артикл+сон+от.

le septième ciel

les quatre horizons.

Бу конструкцияли номинатив фразеологик бирликларда *le* ва *les* аниқ артиклари қўлланилган. Улар бирлик ва кўпликда қўлланилган. Бу номинатив фразеологик бирикмада сон сўз туркумига кирувчи *septième* ва *quatre* сўзларидир. *septième* тартиб сон, *quatre* санок сондир. От сўз туркумига кирувчи *ciel* ва *horizons* сўзларидир. Бу сўзлар мужский родда қўлланилган. Артикларнинг қўлланилишига эътибор берадиган бўлсак, тартиб ва санок сонлар отни аниқлаб келганлиги учун аниқ артикл қўлланилган.

15. Nombre+Nom яъни сон+от: *deux lignes.*

Бу конструкцияли фразеологик бирликлар сон ва от сўз туркумига кирувчи сўзлардан ташкил топган. Сон сўз туркумига кирувчи *deux* санок сондир. От сўз туркумига кирувчи *lignes* сўз род категориясига кўра кўпликда қўлланилган. Чунки *lignes* сўзидан олдин келаётган *deux* сўзи отнинг сонини аниқлаб келмоқда.

2. Номинатив ФБларнинг лексик- семантик хусусиятлари

Фразеологик иборалар ҳам ифода планига ва мазмун планига эгадирлар. Туб тил бирликларида, яъни лексемаларда ифода плани деб, тилнинг материал бирликлари, яъни товуш олинади. Таркибли тил бирликларида эса улар таркибидаги тил бирликлари кўзда тутилади.

Фразеологик иборалар ҳам йирик тил бирлиги бўлиб, камида иккита мустақил туркум лексемасидан, яъни сўзлардан таркиб топади. Шунга кўра ибораларнинг ифода плани деб лексемалар ва уларни боғлаш хизмат қиладиган грамматик элементлар кўзда тутилади.

Фразеологик бирикмалар ҳам таркибли тил бирлиги ҳисобланиб, унинг маъноси таркибидаги лексемаларга хос маъноларнинг оддий йиғиндисига тенг бўлмайди. Иборага хос маъно таркибидаги лексемаларнинг маъносига нисбатан махраж маъно, яъни устама маъно сифатида гавдаланади. Лекин бу маъно ибора таркибидаги лексемаларнинг маъносига суянмаслиги ҳам мумкин. Иборанинг маъноси таркибидаги сўзларга хос маъноларнинг оддий йиғиндиси бўлмаслиги, ҳамда шу сўзлар устига қурилган янги бир маъно бўлиши сабабли ибораларда гўё ифода плани билан мазмун плани орасида қандайдир узилиш содир бўлади. Хусусан, сўзларда акс этаётган маънолар иборадан англашилаётган умумий маънони тўғридан-тўғри изоҳлаб турмайди. Шу сабабли иборалардаги ифода плани ва мазмун плани ўртасидаги боғланиш шартли ҳисобланади. Бунда иккита ва ундан ортиқ сўз яхлитлигича маълум бир образ асосида кўчма маъно касб этади. Бу кўчма маъно фразеологик маъно деб аталади. Шундай экан фразеологик бирлик ифода план ива мазмун планининг ўзига хос қарама-қаршилиги ва бирлиги асосида юзага келади.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларни исботлаш учун биз мисол тариқасида тадқиқот объектимиз бўлиб ҳисобланган номинатив фразеологик бирикмалардан фойдаланамиз.

Номинатив фразеологик бирликларни семантик жиҳатдан таҳлил қилишда фразеологик бирикмаларнинг маъно жиҳатларига эътибор қаратиш

керек. Номинатив фразеологик бирликларни таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги маъно хусусиятларига дуч келдик:

1. Инсоннинг характер хусусиятларига оид.
2. Касб-ҳунарга оид.
3. Табиат ҳодисаларига оид.
4. Расмий ҳужжатларга оид.
5. Расмий идоралага оид.
6. Жой намига оид.
7. Ҳайвон ва қуш номига оид.
8. Ёшга оид.
9. Бадиий услубга оид.
10. Тақдир билан боғлиқ.
11. Инсоннинг ҳаётдаги роли.
12. Экинларга оид.

Номинатив фразеологик бирликларни семантик жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнида кўп учратган маъно хусусияти:

1. Инсоннинг характер хусусиятларига оид номинатив фразеологик бирликлардир: *bon prince* – кўнгли очиқ; олижаноб одам

jeu d'adresse – жанглёрлик; фирибгарлик

pecheur de lune – ҳаёлпараст; фантазиячи

amé blanche – покиза қалб; соф кўнгил

femme d'honneur – баъмани; бенуқсон хулқ атворли аёл

fendeur de fils – қизиқувчан одам; ақидапараст

homme de bronze – қаттиққўл; қахри қаттиқ; бераҳм одам

tête felée – беақл; эси йўқ

cancans de portières – гийбатчи хотинлар; фисқу-фасод гаплар

vain mot – баландпарвоз гаплар; қуруқ гаплар

casseur d'assiettes – тўполончи; урушқоқ; баттол

blanche main – қўли гул; меҳнатсевар

main de fer – қаттиққўл; қўли ҳамма жойга етадиган.

Бу турдаги номинатив фразеологик бирликлар инсоннинг характер хусусиятларини аниқлаб келади. Инсоннинг характер хусусиятларида ижобий ва салбий характер хусусиятларини кўрсатиб келмоқда. Масалан:

fendeur de fils –қизиқувчан одам; ақидапараст

homme de bronze –қаттиққўл; қахри қаттиқ; бераҳм одам

Инсоннинг характер хусусиятларида жинсга оид номинатив фразеологик бирликларни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин:

bon prince – кўнгли очиқ; олижаноб одам

femme d'honneur –баъмани; бенуқсон хулқ атворли аёл

Номинатив фразеологик бирликлар ўзбек тилига талқин қилинганида уларда қўйидагича лексик-семантик хусусиятлар яққол кўзга ташланиши мумкин. Хусусан, тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатадики, бундай ибораларни лексик-семантик жиҳатдан икки катта гуруҳга ажратиш лозим. Яъни :

1. Иборанинг сўзма-сўз маъноси ва фразеологик маъноси ўзаро боғлиқ бўлган бирликлар
2. Иборанинг сўзма-сўз маъноси ва фразеологик маъноси умуман боғлиқ бўлмаган фразеологик бирликлар.

Main de fer –қаттиққўл; қўли ҳамма жойга етадиган. Бу номинатив фразеологик бирикмани, иборанинг сўзма-сўз маънаси ва фразеологик маъноси ўзаро боғлиқ бўлган бирликларга киритамиз. Чунки *main de fer* ибораси сўзма-сўз таржима қилганда *темир қўл* деган маънони билдиради.

Номинатив фразеологик бирликлар *de* предлоги ўзаро боғланган. Булар: *main de fer*, *casseur d'assiettes*, *fendeur de fils*, *homme de bronze*, *femme d'honneur*. Бу фразеологик бирликларнинг от ва сифатдан ташкил топган ҳолатини ҳам кўриш мумкин: *bon prince*, *blanche main*, *vain mot*, *ame blanche*.

2. Касб-ҳунарга оид номинатив фразеологик бирликлар:

col bleu –ҳарбий денгизчи

petit main –ёрдамчи тикувчи аёл

chasseur d'images –фотограф, кинооператор, кинорепортёр

col blanc –хизматкор

gros légumes –бошлиқлар, катталар, раҳбарлар

personne morale –юридик шахс

gens du siège –суд аъзолари

les sagesse de la terre –файласуфлар, ақл кишилари.

Касб-хунарни билдирадиган номинатив фразеологик

бирликларни маъно жиҳатдан иккига ажратиш мумкин:

1. Соф касб маъносини билдирадиган фразеологик бирликлар: *col bleu, petit main, chasseur d'images, col blanc*.

2. Нисбий, яъни аниқ касбни билдирмайдиган номинатив фразеологик бирликлар: *gros legumes, personne morale, gens du siege, les sagesse de la terre*.

Берилган мисоллардан *col bleu, petit main, col blanc, gros legumes, personne morale* иборалари от ва сифатнинг ўзаро бирикувидан ҳосил бўлган *gens du siege, les sagesse de la terre, chasseur d'images, col blanc* иборалари предлог артикллар билан ўзаро боғланган.

3. Табиат ҳодисаларига оид: *pluie de chien* –кучли ёмғир, жала

temps chargé –булутли ҳаво

effet de nuit –тунги пейзаж, тунги манзара

effet de neige –қиш манзараси

la plaine étoile –юлдузли осмон

la plaine bleue –мовий денгиз.

Бу номинатив фразеологик бирликлар табиат ҳодисаларини билдириб келмоқда. Келтирилган мисолларни сўзма-сўз ўзбек тилига таржима қилганда ҳам маъно жиҳатдан тенг келмоқда. Фақат *pluie de chien* –кучли ёмғир, жала ибораси кўчма маънода таржима қилинмоқда. Бу фразеологик бирликларни қўлланилиш жараёнига эътибор берадиган бўлсак *la plaine bleue* –мовий денгиз, *la plaine étoile* –юлдузли осмон шеърятда қўлланилади. Табиат манзарасини тасвирлашда *pluie de chien* –кучли ёмғир,

жсала, *temps chargé* –булутли ҳаво, *effet de nuit* –тунги пейзаж, тунги манзара, *effet de neige* –қийи манзараси.

Табиат ҳодисаларини англатувчи номинатив фразеологик бирликлар от ва *de* предлоги орқали: *effet de nuit, pluie de chien, effet de neige, effet de neige*. От, сифат ва артиклар орқали *la plaine bleue, la plaine étoile*. От ва феълнинг сифатдош шакли орқали ўзаро боғланмоқда.

4. Расмий ҳужжатларга оид:

papier bleu –судга чақирув қоғози

carte rose –ҳайдовчилик ҳуқуқини берадиган ҳужжат.

Расмий ҳужжатларга оид номинатив фразеологик бирликлар от ва сифатдан ташкил топган. Бу номинатив фразеологик бирликларга маъно жиҳатдан ёндашадиган бўлсак *carte rose* бу иборани сўзма-сўз ўзбек тилига таржима қилсак қизил қоғоз ёки қизил ҳужжат деган маънони билдиради. Биламизки ҳайдовчилик ҳуқуқини берадиган ҳужжат қизил рангда бўлади. Келтирилган ҳар иккала мисолда ҳам ифода план ива мазмун плани ўртасида боғлиқликни кўриш мумкин.

5. Расмий идораларга оид: *cabinet noire* –политциянинг яширин музокорлари ўтказиладиган хона; қоронғу омборхона

siège central –бош бошқарма

siège social –бирор ташкилот раҳбариятининг қароргоҳи

petite poste –шаҳар алоқа бўлими.

Келтирилган расмий идораларга оид ибораларнинг сўзма-сўз маъноси ўзаро боғлиқ бўлган фразеологик иборалар *cabinet noire, siège central*. Сўзма-сўз маъно билан фразеологик маъно умуман мос келадиган фразеологик иборалар *siège social, petite poste*. Берилган расмий идораларга оид номинатив фразеологик иборалар от ва сифатнинг бирлашувидан ҳосил бўлган.

6. Жой номига оид: *pays des fées* –афсонавий мамлакат

pays de loups –вахший ўлка

champs de morts –қабристон

maison de bouteille –дала ҳовли.

Жой номига оид номинатив фразеологик бирликлар ифода план ива мазмун планига мос келган фразеологик ибораларни кўриш мумкин. Масалан *pays des fees*. Фразеологик ибораси сўзма-сўз таржима қилинганда ҳам маъно жиҳатдан мос келади. *maison de bouteille* фразеологик ибора нисбатан маъно жиҳатдан боғлиқ бўлган фразеологик бирикмадир. *pays de loups* номинатив фразеологик ибора нисбатан иборанинг сўзма-сўз маъноси ва фразеологик маъноси ўзаро боғлиқ бўлган фразеологик иборадир. Чунки *loup* сўзи франсуз тилидан ўзбек тилига таржима қилинганда бўри деган маънони билдиради. Биламизки *бўри* ёввойи ва вахший ҳайвондир. Бу турдаги номинатив фразеологик бирликлар от ва *de* предлоги орқали *pays de loups, champs de morts, maison de bouteille* артикл ва от орқали *pays des fees* ўзаро боғланган.

7. Ҳайвон ва қуш номларига оид:

colombe de la paix –тинчлик кабутари

loup blanc –катта бўри.

Бу турдаги номинатив фразеологик иборалар от+артикл+от, от ва сифатнинг қўшилишидан ҳосил бўляпти. *colombe de la paix* номинатив фразеологик ибораси сўзма-сўз таржимаси ва фразеологик маъно жиҳатдан боғлиқ бўлган иборадир. Биламизки кабутар ҳар доим тинчлик рамзи бўлиб келган. *loup blanc* номинатив фразеологик бирикмаси сўзма-сўз маъноси ва фразеологик маъноси умуман боғлиқ бўлмаган бирликга киритишимиз мумкин.

8. Ёшга оид: *la fleur des ans* –ўспирин даври; ёшлик чоғи

la belle saison –йилнинг яхши иссиқ фасли; ўсмирлик даври.

Бу номинатив фразеологик бирликларин синоним фразеологик иборалар деса ҳам бўлади. Бу номинатив фразеологик бирикмалар умрининг гўзал фасли бўлган ёшлик даврини англатиб келяпти. Келтирилган мисоллар сўзма-сўз маъноси умуман боғлиқ бўлган фразеологик бирликлардир. *la fleur*

des ans фразеологик бирикма от ва артиклнинг, *la belle saison* артикл, сифат ва отнинг бирлашувидан ҳосил бўлмоқда.

9. Бадий услубга оид:

vers blanc –қофиясиз шеър

billet doux –ишқий мактуб

page blanche –ёзилмаган, тўлдирилмаган саҳифа.

Келтирилган бадий услубга оид номинатив фразеологик бирликлар от васифатнинг бирлашувидан ҳосил бўлган. *vers blanc*, *page blanche* иборалари сўзма-сўз маъноси ва фразеологик маъноси ўзаро боғлиқ бўлган фразеологик бирликлар қаторига киритиш мумкин. Чунки *vers blanc* номинатив фразеологик бирикмасини сўзма-сўз таржима қилганда «оқ шеър» деган маънони билдиради. Бадий адабиётда ишлатиладиган бу бадий услуб қофиясиз шеър шаклида намоён бўлади.

10. Тақдир билан боғлиқ: *mauvais sort* –огир қисмат, ёвуз тақдир

vie de bonhême –тартибсиз кўчманчи ҳаёт.

Тақдир билан боғлиқ номинатив фразеологик бирликлар маъносига юътибор берадиган бўлсак сўзма-сўз маъноси ва фразеологик маъноси бир-бирига мос келади.

11. Инсоннинг ҳаётдаги ўрни: *soutien de famille* –оила боқувчиси

homme d'Etat – давлат раҳбари.

Бу номинатив фразеологик бирликлар от ва *de* предлоги орқали ўзаро боғланган. Бу номинатив фразеологик бирликлар ҳам сўзма-сўз маъноси ўзаро боғлиқ бўлган фразеологик бирликлар қаторига киради.

12. Экинларга оид: *potte d'amour* – намидор, томат настаси

sable jaune –қалампир.

Бу номинатив фразеологик бирликлар сўзма-сўз маъноси ва фразеологик маъноси умуман боғлиқ бўлмаган фразеологик бирликлардир.

3. Номинатив ФБлардаги вариантланиш турлари

Битирув малакавий ишимиз бўлган номинатив фразеологик бирликларда вариантланиш ҳодисасини кузатдик ва таҳлил қилдик. Таҳлил жараёнида фразеологик вариантларнинг бир неча вариантларини кўриб чиқдик. Булар қуйидагилар:

- 1.лексик вариантланиш.
- 2.грамматик вариантланиш.
- 3.лексик-грамматик вариантланиш.
- 4.орфографик вариантланиш.

1.Лексик вариантланиш.

Фразеологик вариантларда лексик вариантлар ва грамматик вариантлар бир-биридан фарқланади. Ибора таркибида мустақил туркум сўз билан ифодаланган компонентни ўзгартириб ҳосил қилинган вариантга лексик вариант дейилади. Номинатив фразеологик бирликларда вариантланиш ҳодисасини таҳлил қилганимизда, лексик вариантланишнинг бир неча хусусиятларини таҳлил қилдик.

А) фразеологик иборанинг биринчи элементини алмаштириш орқали:

un joli moineau – un sale moineau; un villain moineau.
une grosse Moitié – une bonne Moitié
le bon matin – le grand matin
contes en l`air – discours en l`air; mots en l`air; paroles en l`air
gens du siège – magistrats du siège.

Б) фразеологик иборанинг иккинчи элементини алмаштириш орқали:

Les Maisons du Soleil – les Maisons du ciel
pierre angulaire – pierre fondamentale
loup blanc – loup gris
un Maître homme – un Maître sire
Maison royale – Maison impériale
mangeurs d`enfants – Mangeurs de gens; Mangeurs d`hommes

2.Грамматик вариантланиш.

Фразеологик ибора таркибини грамматик йўл билан ҳосил бўладиган вариантга грамматик вариант дейилади. Таҳлил жараёнида грамматик вариантланишнинг ҳам хусусиятларини кўриб чиқдик.

1.Морфологик вариантланиш.

Морфологик вариантланишнинг ҳам бир неча хусусиятларини таҳлил қилдик.

А) от сўз туркумига тегишли бўлган сўзнинг бирлик ва кўплик сонда ифодаланиши: *bons offices – bon office.*

Б) предлогларни алмаштириш асосида бўладиган вариантланиш.

pauvre (s) d'esprit – pauvre en esprit

homme de neant – homme du neant.

В) предлогнинг тушиб қолиши асосида: *de pur sang – pur sang.*

Г) тартиб ўзгартиш асосида бўладиган вариантланиш:

blanche main – main blanche

basse mer – mer basse

Demeure céleste – céleste demeure.

Бунда номинатив фразеологик иборанинг бошида келган *blanche, basse, demeure* сўзлари *main, mer, céleste* сўзлари билан алмаштирилган ҳолатини кўриши мумкин.

2.Антонимик вариантланиш.

Бунда фразеологик ибораларда сўз – компонентнинг антонимик ҳолатини кўриш мумкин.

jour et nuit – nuit et jour.

3.Лексик – грамматик вариантланиш.

Номинатив фразеологик бирликда вариантланиш ҳодисасини таҳлил қилиш жараёнида, лексик- грамматик вариантланиш ҳодисасини ҳам кузатдик.

Лексик – грамматик вариантланишда фразеологик иборада лексик ҳамда грамматик вариантланиш хусусиятларини кўриш мумкин.

Maison de Dieu – Maison du seigneur

Moitié de ma vie – Moitié de mon âme

Maître – executeur de (s) hautes oeuvres; executeur de la haute justice

huile de coude (s) – huile des mains

la belle saison – la première saison de la vie.

4. Орфографик вариантланиш.

Номинатив фразеологик бирликларда орфографик вариантланиш, фразеологик иборанинг ёзилишидан фарқланиши мумкин:

couleur Isabelle – couleur isabelle;

pays de Cocagne – pays de cocagne;

sainte nitouche – Sainte Nitouche

bouillon d'onze heures – bouillon de onze heures

oranges à cochons – oranges de Limousin.

4. Номинатив ФБлардаги вариантланишнинг лексик хусусиятлари

Вариантланиш – барча тил бирликларига, шу жумладан, фразеологик бирликга ҳам мансуб ҳодиса. Кўп вариантли ибораларнинг асосий қисмини икки ва уч вариантли иборалар ташкил этади. Умуман, фразеологик бирликларда вариантланиш бошқа тил бирликларидагига нисбатан кучли бўлиб, бир иборанинг вариантлари сони ўнтагача етади. Фразеологик бирликларда бир иборага бир неча вариантни бирлаштириш уларнинг:

А) Турли – туман ўзгартиришлар сабабли бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлиши, барчаси бир манбага бирлашуви;

Б) Асосида айна бир образнинг ётиши, (бу образнинг вариантларига кўра сўниш-сўнмаслигидан, қай даражада уқилишидан қатъий назар);

В) Айна бир луғавий маънони англатиши (ўзаро маъно қиррасида, нутқий, ситилистик белгисида фарқ қилиш-қилмаслигидан қатъий назар);

Г) Ўзаро ўсиб чиққан вариантлар таркибида умумий сўз – компонентнинг бўлиши асосга олинди.

Вариантланиш туфайли бир ибора бошқа бир иборага айланмайди, бир иборага хос образ бирлиги, луғавий маъно бирлиги сақланади. Вариантланиш

иборага хос яхлитликнинг ўз доирасида, шу яхлитлик йўл қўйган даражада воқе бўлади. Акс ҳолда ё ибора йўққа чиқади, ёки бошқа бир ибора барпо қилинади.

Вариантланиш ҳодисасини франсуз тилида номинатив фразеологик бирликларда ҳам учратиш мумкин. Франсуз тилида номинатив фразеологик бирликларнинг бир унсурли, икки унсурли, уч унсурли ва тўрт унсурли вариантлардан ташкил топган номинатив фразеологик бирликларда тадқиқот олиб бордик.

Қуйида ҳар бир унсурга кенгрок тўхталамиз:

1.Бир унсурли вариантланиш:

maison de ville – maison commune
blanche main- main blanche
la belle saison – la première saison de la vie
Moitié de ma vie - Moitié de mon âme
Maison royale - maison impériale
le bon matin - le grand matin
les Maison du soleil - les Maison du ciel
Basse mer - mer basse
un fin matois - vieux matois
loup blanc – loup gris
bon mariage - beau mariage.

2.Икки унсурли вариантланиш:

abus d`autorité – abus de l`autorité; abus de pouvoir
arche sainte ёки arche d`ailliance; arche du seigneur
dernière demeure ёки demeurs des morts; demeures Souterraines
Mangeurs d`enfants ёки Mangeurs de gens; Mangeurs d`hommes
un joli moineau ёки un sale moineau; un villain moineau
la plaine bleue ёки la plaine liquide; la plaine salée
Maison de Dieu ёки Maison de paix; Maison du seigneur
Mariage de convenance ёки Mariage d`interet; Mariage de raison

Marchandise de défaite ёки *bonne de défaite; prompte de défaite*
Maître de hautes oeuvres ёки *exécuteur des hautes oeuvres; exécuteur de la haute justice.*

3. Уч унсурли вариантланиш.

contes en l'air ёки *discours en l'air; mots en l'air; paroles en l'air.*
la saison nouvelle ёки *la jeune nouvelle; la nouvelle nouvelle; la verte saison.*

huile de bras ёки *huile de coude(s); huile des mains; huile de poignet*
temps chargé ёки *temps bouche; temps couvert; temps gris.*

4. Тўрт унсурли вариантланиш.

Demeure céleste ёки *Demeure éternelle; céleste demeure; cité céleste; cité future.*

Номинатив фразеологик бирликларни вариантланиш ҳодисасини таҳлил қилганда фақат бир, икки, уч, тўрт унсурли вариантланиш ҳодисасини эмас балки саккиз унсурли вариантланиш ҳодисасини ҳам кузатдик.

Sirop de grenouille (s) ёки *sirop de barbillon; sirop de canard; sirop de parapluie; sirop de robinet;* яна *anisette de barbillon; ratafia de grenouilles; vin de canard; bouillon à* ёки *de canard.*

II бобга хулоса

Ушбу бобга хулоса тариқасида шуларни таъкидлаш мумкинки, француз тили фразеологиясида номинатив бирликлар орасида компонентлари констант боғлиқликка эга бўлган фразеологик бирликларни кўплаб учратиш мумкин. Компонентлараро констант боғлиқликка эга бўлган бундай фразеологик бирликлар ўз таркибларида атоқли отларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Отлашган фразеологик бирликларни ташкил этувчи сўзларнинг лексик вариантлари ўрнида от, сифат ва предлоглар алмашилиши мумкин. Французча номинатив бирликлар ҳисобланмиш субстантив фразеологик

бирликларнинг лексик, грамматик ва квантитатив жиҳатдан вариантланиш турлари мавжуд бўлиб, уларнинг учаласи ҳам француз фразеологиясида кенг тарқалгандир.

Субстантив фразеологик бирликларни семантик жиҳатдан икки гуруҳга ажратиш мумкин, яъни фразеологик бирликни ташкил этувчи компонентлар маъноларининг қисман ва тўлиқ кўчиши уларни бундай турга ажратишдаги асосий сабаблардан бири бўлиб ҳисобланади.

Компонентлар ифодаладиган маъноларнинг тўлиқ кўчишига икки хил ҳолатни мисол қилиб келтириш мумкин: Метафорик ва метонимик маъно кўчиши. Ўхшатиш кўп ҳолларда предмет, ҳайвон ёки ҳашоратларнинг хусусиятланишига асосланган ҳолда содир бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда гиперболик хусусият ҳам улар асосидан ўрин олиши ажабланарли ҳолат ҳисобланмайди.

Фразеологик бирликларга хос метонимик маъно кўчиши турли хил сўзлар алмашилишининг ҳар хил турларига асосланади. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос асосланиш манбалари мавжуддир: маълум бир шахсларнинг номи билан боғлиқ ҳолатлар, маълум бир кўчада яшайдиган одамлар ва ундаги ташкилот номига асосланган фразеологик бирликлар.

Француз тилидаги субстантив фразеологик бирликларнинг ўзига хос томонларидан яна бири шундаки, улар ҳар бири француз тилидаги маълум бир сўзга айнан мос келиши мумкин. Субстантив фраземаларнинг грамматик хусусиятлари хусусида шуларни аниқ айтиш мумкинки, улар грамматик нуқтаи назардан тобе ва боғловчили структурали турларга бўлинади. Сифат вазифасидаги номинатив фразеологик бирликлар икки гуруҳга, яъни, тобе компонентли ва боғловчили компонентли сифат вазифасидаги фразеологик бирликларга бўлинади.

Француз тилидаги сифат вазифасида келадиган номинатив фразеологик бирликлар синтактик жиҳатдан гапларда постпозитивли аниқловчи вазифасида ва от кесим таркибида келиши мумкин. Улар структур-семантик моделлар асосида ҳосил бўлмайди, балки, улар тилда

олдиндан кўчма маъноли турғун бирикмалар шаклида пайдо бўлади. Уларда ҳам барча фразеологик бирликларга хос вариантланиш ҳодисасини кўриш мумкин.

Равиш вазифасида хизмат қиладиган фразеологик бирликлар ўз таркибларининг умуман ўзгармаслиги билан ажралиб туради. Улар эргашган структурага эга бўлиб, уларда кўпинча қиёслаш маъноси устун туради. Бундай ҳолларда улар гапда равишларга хос фақат маълум бир функцияни, яъни ҳаракат тарзи ҳоли вазифасини бажара олади. Уларга хос тўлиқ қиёслаш хусусияти эса фақат нутқдагини намоён бўлади. Француз фразеологиясида уларнинг ҳеч қандай бошқа вариантлари мавжуд эмаслиги боис, улар идиомалар синфига мансубдир

Француз тилида равиш вазифасида хизмат қиладиган фразеологик бирликлар боғловчили структурага ҳам эга бўлиб, улар ўз компонентлари сонига кўра иккига бўлинади. Булар биринчиси икки компонентли ва иккинчиси уч компонентли фразеологик бирликлар деб ажратилади. Икки компонентли фразеологик бирликларнинг ўзи ўз навбатида яна икки гуруҳга бўлинади: предлогсиз ва предлогли. Уч компонентли равиш вазифасида хизмат қиладиган фразеологик бирликлар ҳам ўз навбатида иккига бўлинади, яъни предлогсиз ва предлогли фразеологик бирликлар.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуларни таъкидлаш мумкинки, француз тили фразеологиясида ҳам бошқа тиллардаги каби от, сифат ва равиш вазифасида хизмат қиладиган фразеологик бирликлар номинатив хусусият касб этади. Бу хусусда олиб борган тадқиқотимиз натижасини қуйидаги хулосалар орқали тавсифлаш мумкин:

1. Фразеологик ибораларнинг бирикмага ва гапга тенглик хусусияти ҳақида гапирганда иборанинг ички граматик тузилиши инобатга олинади, яъни ибора таркибини граматик жиҳатдан таҳлил қилиш назарда тутилади.

2. Синтактик эркин сўз бирикмалар француз тилидаги мустақил сўз туркумларининг бир қанча турларини тўлдиришнинг муҳим манбаи ҳамда тил лексик таркибини бойитишнинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади.

3. Француз тили фразеологиясида номинатив бирликлар орасида компонентлари констант боғлиқликка эга бўлган фразеологик бирликларни кўплаб учрайди ва улар ўз таркибларида атоқли отларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради.

4. Отлашган фразеологик бирликларни ташкил этувчи сўзларнинг лексик вариантлари ўрнида от, сифат ва предлоглар алмашилиши мумкин ва уларнинг лексик, грамматик ва квантитатив жиҳатдан вариантланиш турлари мавжуддир.

5. Субстантив фразеологик бирликларда ўхшатиш кўп ҳолларда предмет, ҳайвон ёки ҳашоратларнинг хусусиятланишига асосланган ҳолда содир бўлиши ҳам мумкин.

6. Субстантив фраземалар грамматик нуқтаи назардан тобе ва боғловчили структурали турларга бўлинади.

7. Сифат вазифасидаги номинатив фразеологик бирликларни икки гуруҳга, яъни, тобе компонентли ва боғловчили компонентли сифат вазифасидаги фразеологик бирликларга ажратиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 8-бет.
2. Актуальные проблемы фразеологии. – Ответственный редактор А.М.Бушуй. – Самарканд:СамГУ,1998.–101 с.
3. Амосова Н.Н.Основы английской фразеологии.–Л.:ЛГУ,1963.-208 с.
4. Арбекова Т.И. Лексикология английского языка. – М.,ВШ,1977. -240 с.
5. Бушуй А.М. Этюд о словарной репрезентации фразеологии // Studia Russica. – XIII. – Budapest, 1989. – С. 91-111.
6. Бушуй Т.А. Принципы группирования фразеологических единиц в контрастивном лексическом словаре // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 1999. -№3. – С. 33-34.
7. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил курилиши: таҳлил методлари ва методологияси. –Тошкент:.. Фан, 2007. –Б.103.
8. Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины // Избр. труды, т. 3. –Лексикология и лексикография. – М., 1977. –С. 64-98.
13. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – М.: ВШ, 1986. – 336 с.
14. Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. – М. : ВШ, 1987 . -288 с.
15. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Тошкент – 1992, -378 б.
16. Ройзензон Л.И. Лекции по общей и русской фразеологии. - Самарканд: СамГУ, 1973. – 223 с.
17. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2006. -Б.21.
18. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка.–М.,1956.
19. Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – М.:

ВШ, 1969. – 342 с.

20. А.Ҳожиёв. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати, -Тошкент, 1985. – 144 б.

21